Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 247 (20. 215) • 1988 йил 27 октябрь • пайшанба Баҳоси 3 тийин.

1924 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

25 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев ва расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Г. Коль ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЄССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Ғарбий Германия томонидан музокараларда Г. Колнинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган вице-канцлер ва ташқи ишлар министри Г. -Д. Геншер, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Совет — Ғарбий Германия муносабатларини янада ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хавфсизлик ва қуролсизланиш муаммолари, асосан Европага татбиқан батафсил муҳокама қилинди.

Иккала томондан мулоқот — икки томонлама алоқаларнинг бутун комплекси янги сифатини ва теранлигини таъминлашга, бу алоқаларда тобора кўпроқ ҳамкиҳатлик, ишонч ва яқинлашув руҳидаги принципиал янги босқичга чиқиб олишга эришиш йўлларини излаш сари ривожланиб борганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан СССР ва ГФР ўртасида олий даражадаги визитлар биринчи даражали аҳамият касб этади. Олий даражадаги алоқалар давлатлараро муносабатларда орттирилган жамики ижобий натижаларга таяниб, сиёсат, экономика, фан ва техника, экология, маданият, инсоний алоқалар соҳасидаги янги истиқболли ташаббусларга тўртки бериши лозим.

Иккала томон мазкур мақсадларга эришгунча ҳали фикрлар мослиги зонасини кенгайтира бориб ва улар ўртасидаги тафовутни камайтира бориб, катта йўл босиб ўтилиши кераклигини англаш билан бирга, бўлиб ўтган суҳбатларга ижобий баҳо берди. Энг муҳими шуки, олдинга қараш, фикр-мулоҳазаларда ва хатти-ҳаракатларда қаётий реалликларга таяниш, мулоқот давомида СССР билан ГФР ўзаро алоқаларининг тобора янги соҳаларини қамраб олиши лозим.

М. С. Горбачев билан Г. Коль савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик икки томонлама алоқалар бутун комплексининг таянчи бўлиши лозим, деган якдил бир фикрга келдилар. Бироқ бу соҳалардаги ҳамкорликни доимо ва чуқурроқ такомиллаштириш — ўзаро иқтисодий алоқаларнинг янги формаларини ривожлантириш, янги типдаги хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш лозим. Шу йўл билангина меҳнатни оқилона, кенг миқёсли тақсимлаш принциплари асосида хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқаларни ҳақиқатан ҳам кескин ўстириш мумкин. Европанинг иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан парчаланганлигини бартараф этиш муҳимлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев ядро энергетикаси, машинасозлик, электроника ва электротехника, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби истиқболли ҳамкорлик йўналишларига суҳбатдошларнинг эътиборини қаратди. Совет космик кемасида ва орбитал «Мир» станциясида Ғарбий Германия космонавтини учириш тўғрисида бир битимга келинди. Унинг шартлари қўшимча равишда муҳокама қилинади. СССРдаги икки юзтага яқин енгил ва озиқ-овқат саноати корхонасини Ғарбий Германия фирмалари иштирокида модернизациялаш тўғрисидаги аҳдлашув шу йўлдаги бошқа бир муҳим қадамдир. Буларнинг ҳаммаси СССРда ГФРнинг йирик ва ўртача фирмалари иштирокида турли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга қўшилиб, икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка янги сифат кўрсаткичлари ва истиқболда бу ҳамкорликка барқарорлик бахш этган бўлур эди.

СССР билан ГФР ўртасида кенгайиб бораётган маданий алоқалар ҳам икки томонлама муносабатларининг тобора барқарор элементи бўлиб қолмоқда, ўзаро нотўғри фикрлар ва хурофотларни тугатиш ишида муҳим роль ўйнамоқда, ахборот соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб, иккала мамлакат жамоатчилиги ўртасидаги, шу жумладан, ёшлар ўртасидаги алоқалар ўсиб бормоқда.

Томонлар СССР билан ГФР муносабатларининг шартномавий ҳуқуқий негизи ривожланиб бораётганидан, визит давомида бир қанча янги Совет—Ғарбий Германия ҳужжатлари имзоланишидан мамнуният изҳор этдилар. ГФРга қилинадиган жавоб визити чоғида бу негизнинг янада кучайтирилиши иккала мамлакатнинг давлатлараро алоқасида барқарорлик элементларини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Томонлар иккала мамлакат мудофаа министрлари ўртасида расмий алоқалар ўрнатилганидан мамнуният изҳор этдилар.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни тубдан қайта қуриш, бутун Европа сиёсатини янгилаш нуқтаи назаридан Европадаги аҳвол масалалари кўриб чиқилди. Қитъадаги вазиятни тубдан соғломлаштириш учун оддий қурол-яроғларга оид музокараларнинг алоҳида аҳамияти таъкидланди. Шу муносабат билан Вена учрашувини тезроқ тугаллаш зарурлиги уқтириб ўтилди, уни тезроқ тугаллаш шу йилиёқ мазкур музокараларни бошлаш учун йўл очган бўлур эди. Химиявий қуролга оид музокараларда силжишга эришишнинг аҳамияти ҳам қайд этилди.

Шу билан бирга, М. С. Горбачев Европадаги ядро қуролини янада қисқартириш вазифасига жиддий эътиборни қаратди ва уни бирон-бир тарзда модернизациялашга ҳамда қисқартирилган ўртача ва камроқ олислик ракеталари ўрнини янги ядровий воситаларни жойлаштириш ҳисобига тўлдириб олишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Совет Иттифоқи қитъада тактик ядро қуролини батамом тугатишни кўзлаб иш олиб боришни таклиф қилади.

Биз СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришни икки томонлама манфаатлар билан эмас, балки Европа манфаатларини ҳам ҳисобга олиб баҳолаймиз, деди М. С. Горбачев. Бу муносабатлар умуман дунёдаги ижобий жараёнлар суръатидан орқада қолмаслиги, балки шу жараёнларга рағбатлантирувчи омил бахш этиши муҳимдир. Иккала томон бир-бири билан ўзаро актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, Умумевропа хонадонининг архитектураси ни белгилашда ва уни қуришда принципиал муҳим роль ўйнашлари мумкин бўлур эди.

Музокараларнинг якунида иккала томон ҳозирги вақтда Совет — Ғарбий Германия муносабатларида янги босқич очиш, шу муносабатларга янада кенг миқёс, жўшқинлик ва келажакка интилувчанлик хислатларини бахш этиш учун ҳамма шароит бор, деган фикрга келдилар.

Музокаралардан кейин Кремлда Совет — Ғарбий Германия ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди.

Имзолаш маросимида М. С. Горбачев ва Г. Коль, Совет ва Ғарбий Германия томонидан музокараларда қатнашган бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

СССР ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни Э. А. Шеварднадзе ва Ф. Т. Моргун, Г. -Д. Геншер ва К. Тепфер имзоладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси маданий ҳамкорлигининг 1988—1989 йилларга мўлжалланган биринчи программасини Э. А. Шеварднадзе билан Г. -Д. Геншер имзоладилар.

СССР ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида ядровий авариялардан оператив хабардор қилиш тўғрисидаги ҳамда ядро қурилмаларига оид ахборотни айирбошлаш ҳақидаги битимни Э. А. Шеварднадзе, Г. -Д. Геншер ва К. Тепфер имзоладилар.

СССР ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида территориал сувлар ташқарисидаги денгизда можароларнинг олдини олиш тўғрисидаги битимни Э. А. Шеварднадзе, Д. Т. Язов, Г. -Д. Геншер, Р. Шольц имзоладилар.

СССР Давлат агросаноат комитети билан Германия Федератив Республикаси федерал озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министрлиги ўртасида корхоналар, фирмалар ва ташкилотларнинг озиқ-овқат саноати соҳасидаги ҳамкорлигига кўмаклашиш тўғрисидаги битимни В. С. Мураховский билан И. Кехле имзоладилар.

СССР Фанлар академияси билан Германия Федератив Республикаси федерал илмий-тадқиқот ва технология министрлиги ўртасида космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида фан-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни Г. И. Марчук билан Х. Ризенхубер имзоладилар.

Бундан ташқари конкрет соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятлари тўғрисидаги бир қанча баёнот келишиб олинди. Бу баёнотлар матбуотда эълон қилинади.

* * *

Шу куни Н. И. Рижков Г. Коль билан учрашди. СССР — ГФР муносабатларининг бутун комплекси юзасидан батафсил фикрлашув бўлди. Олий даражадаги Совет — Ғарбий Германия учрашувлари ҳақида эришилган аҳдлашувларнинг амалга оширилиши иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда янги боб очиш имконини беради, деган ишонч билдирилди, бу ҳамкорлик жаҳон тараққиётининг ҳозирги суръатига мос бўлиб тушиши табиийдир.

* * *

ГФР Федерал канцлери Кремль ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

Кечқурун М. С. Горбачев рафиқаси билан ва Г. Коль рафиқаси билан Советлар уйининг колонна залида Мюнхен филармонияси оркестрининг концертида ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Суратда: музокаралар пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси

БУТУН КУЧ—ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА!

Келаси йил учун ҳозирдан пухта замин тайёрлайлик

Халқимиз ҳаётидаги катта шодиёна — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 71 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Бундай тантаналарни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш, байрам кунларида эса бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган муаммоларга қаратиш — совет кишиларининг ленинча анъаналаридан биридир.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, республикамиз меҳнат аҳли Октябрь байрамига арзигули совғалар билан боришга ҳаракат қилмоқда. Хоразм, Тошкент ва Бухоро областларининг пахтакорлари биринчилардан бўлиб йиллик планни бажардилар. Қашқадарё заршунослари ғалаба рапортига имзо чекай деб турибдилар. Ўзбекистон ишчилар синфи ҳам дуруст натижаларни қўлга киритмоқда. Чунончи, шу йилнинг январь—сентябрь ойларида ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 процент, шу жумладан, саноатда 3,5 процент кўпайди. Саноат маҳсулотларини кўпайтиришнинг тўртдан уч қисми ва қурилиш-монтаж ишларининг бутун ҳажми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Албатта, бу — қувонарли. Лекин илғорлар соясида қолоқлар ҳам борлигини унутмаслик лозим. Энг аввало, биздаги қайта қуриш суръатлари республикани социал-иқтисодий жиҳатдан жўшқин ривожлантиришни таъминлай олмаяпти. Масалан, саноатда шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг салмоғи 22,4 процентни ташкил этади, улар 210 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Аграр секторда жамоат сектори йўли билан гўшт тайёрлаш плани барбод бўлди. Сирдарё ва Тошкент областларида узум, Самарқанд областида полиз маҳсулотлари харид қилиш планлари қониқарсиз бажарилмоқда.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг вазифаси — 1988 йил тўғриз планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ўзларига боғлиқ барча ишларни қилишдан иборат. Ҳар бир министрликда, ҳар бир меҳнат коллективида эришилган натижаларни ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этиш, экономикага раҳбарлик қилишдаги эскича ёндошувларни тугатиш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб сабот билан иш олиб бориш, республика халқ хўжалиги комплексининг барча соҳаларида зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш — шу куннинг долзарб вазифаларидир. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига Чақириқлари ҳам бизни шунга даъват этади.

— СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ, ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ, ЎЗИНИ-ЎЗИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИЖАРА ВА КООПЕРАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИНГИЗ!

Иқтисодий ислоҳот шароитида корхоналар ва хўжаликларга тўла мустақиллик берилмоқда. Юқоридан уларнинг ички ишларига аралашиш барҳам топиб бораяпти. Ишлаб чиқариш коллективлари, айниқса, пахтакор хўжаликлар план ва мажбуриятларни бажариш учун резерв ҳамда имкониятларни қидириб топиб, ҳаракатга келтиришга бурчлидирлар. Чунки ҳавони тез-тез булут қоплямоқда. Бўлиб ўтган ёғингарчиликлар пахта тайёрлаш суръатига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Йўл қўйилган қолоқлик сабабларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, улардан зарур хулосалар чиқариб, таъсирчан, амалий тадбирлар кўриш, техникага зўр бериш ўрнига ҳашарчиларга умид боғлаш, турли «объектив» сабабларни рўкач қилиш асло ярамайди.

Ижара пудрати — юқорида айтиб ўтилган резервларнинг бири. Ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, ижара пудрати янги иқтисодий муносабатларни қарор топтиради. У инсоннинг қадр-қимматини юқори кўтаради, хўжайинлик туйғусини ривожлантиради, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга, мамлакатда озиқ-овқат маъмурчилигини вужудга келтиришга энг қисқа йўлни очиб беради. Буни Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин. Мазкур хўжалик меҳнатни ташкил этишнинг янги формасига тўла ўтган. Меҳнатнинг пировард натижаларидан шахсий манфаатдорлик ошганлиги натижасида колхозчилар давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини адо этдилар. Янгича иш олиб борилган ул йил ичида бу ерда қўшимча фойда олинди, унинг ҳисобига маданият саройи, болалар боғчаси қурилди. Маҳсулотни қайта ишлаш учун йилига беш миллион шартли банка консерва тайёрловчи завод бунёд этилди. Бундай илғор коллективларнинг тажрибасини оммалаштириш, миллионлар мулкига айлантириш — партия комитетларининг жонажон ишидир.

— АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ХОДИМЛАРИ! АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ, ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ФОРМАЛАРИНИ ДАДИЛРОҚ ЎЗЛАШТИРИНГИЗ!

Ҳадемай, ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилига ҳам якун ясалади. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорини амалга оширишда муҳим палла бошланади. Келаси йилни қандай бошлашимиз бу йилни қандай тугаллашимизга боғлиқ. Демак, 1989 йилги ишлаб чиқариш ҳажмлари юзасидан шартномалар тузиш кампаниясини тезроқ тугаллаш керак. Айни пайтда ҳар бир тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан амалий тадбирлар комплексини таъминлаш, 1988 йилни зарар кўрмай якунлаш ва мустаҳкам молиявий пойдевор яратиш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир.

Республикамизда партия ҳисобот-сайлов конференциялари бошлаб юборилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаларини зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилишга киришдилар. Шулар туфайли юзага келган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини қўллаб-қувватлаш, 1988 йил план ва социалистик мажбуриятларини бажаришда улардан фойдаланиш катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

26 октябрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

СССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети палаталари план-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссияларининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат планини дастлабки тартибда кўриб чиқишга оид ишлари тугаганлиги ва 1988 йилда план қандай бажарилаётгани, СССРнинг 1989 йилги давлат бюджети тўғрисидаги масалани ҳамда 1987 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди. Палаталар доимий комиссияларининг топшириғига биноан Иттифоқ Совети планбюджет комиссиясининг раиси Б. В. Качура ахборот берди. Масалани муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков, СССР молия министри Б. И. Гостев қатнашдилар.

Мажлисда палаталарнинг доимий комиссиялари, депутатлар келгуси йил плани ва бюджетини тузишга янги мезонлар ва баҳоларни назарда тутиб ёндашишга интилганликлари айтиб ўтилди. Улар КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси йўл-йўриқларига амал қилиб, кўриб чиқиладиган ҳужжатларнинг социал йўналишини кучайтириш, уларда партия белгилаб берган мутаносиблик ва устунликларни янада тўлароқ рўёбга чиқариш билан боғлиқ кўплаб таклифлар киритдилар.

Доимий комиссиялар планнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини кучайтириш, озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини янада ривожлантириш, уйжой қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ қоидаларини ҳар томонлама тўлдиришга алоҳида эътибор бердилар.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг тўққизинчи ва ўн биринчи сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилинган СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини СССР Олий Совети тасдиғига киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

М. С. Горбачев кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиш чоғида план ва бюджет комиссияларида анча узоқ вақт ва кескин муҳокама қилинганлиги уларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлганлигини айтди. Комиссияларнинг таклифлари ва мулоҳазалари қўшимча равишда тўлдирилди, СССР Министрлар Советида кўриб чиқилди ва кўп даражада ҳисобга олинди. Натижада план ва бюджетнинг бир қанча кўрсаткичлари анчагина тузатилди.

Умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларига мажлис қатнашчиларининг эътибори жалб қилинди. Мазкур қонунлар лойиҳалари Советлар фаолиятига оид кўпдан-кўп масалаларга тааллуқли бўлиб, улар партия Марказий Комитетининг Пленуми тузган комиссияда, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида пухта муҳокама қилинди. Ҳозир Конституцияга киритилаётган таклифларни аҳолининг кенг табақалари — ишчилар, колхозчилар, олимлар, мутахассислар, шубҳасиз, қизиқиш билан кутиб оладилар.

Ана шу муҳокамани расмийлаштирмай, уни аҳолининг, депутатларнинг фикри аниқ ифодаланадиган тарзда уюштириш республикалар Олий Советлари Президиумларининг, жойлардаги совет органларининг вазифасидир. Бўлажак мунозара ҳозирнинг ўзидаёқ Советларнинг ўз территориясида хўжаликка раҳбарлик қилиш, меҳнаткашлар ўртага қўяётган барча масалаларни ҳал этишга оид фаолиятини мумкин қадар кучайтиришга хизмат қилиши муҳимдир.

Шу тариқа, эълон қилинган ҳужжатларнинг жойларда муҳокама қилиниши мамлакатимизда сиёсий ислоҳотни амалга оширишнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Бу ишда эса республикалар Олий Советлари, жойлардаги бошқа барча совет органларининг роли энг кўп даражада кучайтирилиши лозим.

(ТАСС).

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1988 йил 5 ноябрни иш куни деб ҳисоблаш ҳақида қарор чиқарди.

Ишчилар ва хизматчиларга 5 ноябрда ишлаганликлари учун бошқа дам олиш куни берилади ёки амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибда ва шартлар билан ҳақ тўланади. Ходимларнинг истагига мувофиқ бу кун йиллик отпускага қўшилиб, унга отпуска кунларига тўланадиган тартибда ҳақ тўланиши мумкин.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● МОСКВА

Пойтахтдаги энг катта автозавод корпуслари ва цехларида кўпгина сермеҳнат ва зеркарли жараёнларни бажарадиган роботлар сафи тўлдирилди. Чунончи, «ЗИЛ-130» цехида янги робот техникаси комплексига кичик деталларнинг резбасини қирқиш вазифаси топширилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ўстирибгина қолмай, шу билан бирга ишлаб чиқариш маданиятини анча ошириш имконини ҳам беради.

● ТОШОВУЗ

Тошовуз область Октябрь районидаги «Аўстлик» колхози деҳқонларини ғалаба билан табриклаш учун Ўзбекистоннинг Шовот районидаги «Коммунизм» колхозидаги мусобақадошлари биринчилардан бўлиб келишди. Байрам дастурхони устида қандай қилиб ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, колхозчиларнинг оилалари ўзларини ернинг соҳиби деб ҳис этишларига қандай эришиш тўғрисида фикрлашиб олишди. Тошовуз область меҳнаткашлари билан Ўзбекистон ССРнинг Хоразм области ва Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўртасида мустаҳкам дўстлик ришталари боғланган.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН, 26 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Область партия комитетининг аъзоси, область агросаноат бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Б. Рапиғалиевнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Пленум область партия комитети аппаратининг янги структурасини тасдиқлади.

Пленум Д. Дадажонова билан Н. Отахоновни Наманган область партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

Пленумда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Аллямуродов нутқ сўзлади.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

шу йил 26 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
ТОШКЕНТ	0,57	103,91	0,40	107,73
ХОРАЗМ	0,55	103,58	0,59	63,64
БУХОРО	1,14	100,28	1,03	79,37
Қашқадарё	0,91	98,11	0,84	106,54
ҚҚАССР	1,00	91,86	0,77	89,11
Сирдарё	0,80	89,35	0,75	100,09
Сурхондарё	1,10	88,53	0,51	88,20
Фарғона	0,88	86,36	0,19	40,00
Наманган	0,96	85,47	0,69	61,95
Самарқанд	1,33	73,80	1,37	70,92
Андижон	0,55	66,99	0,09	27,45
Республика бўйича:	0,90	88,69	0,66	77,71
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	1,29	101,22	0,98	164,13
Қашқадарё	1,56	96,75	2,03	141,30
Наманган	1,18	90,60	—	—
Самарқанд	2,61	84,98	3,40	56,53
Бухоро	0,27	13,25	0,25	5,50
Республика бўйича:	1,34	95,14	1,37	150,65

ХАЛҚ УЧУН, ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

СССР Қонунлари лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Мамлакатимизда СССР Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бошланди. Ушбу муҳокамани сиёсий система ислоҳотини амалда рўёбга чиқариш ва жамиятимизни демократиялаш жараёнларини янада ривожлантириш йўлидаги янги катта қадам, деб баҳолаш мумкин. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқлари ана шу энг муҳим ҳужжатларга асос қилиб олинган. Янги Қонунларни тайёрлаш чоғида ҳокимиятнинг олий органлари ишлаб турган бутун давр мобайнида, жумладан, биринчи совет Конституцияларни амалга қилган даврда уларни ташкил этиш ва бу органларнинг фаолияти тажрибаси диққат-эътибор билан ўрганилди.

Владимир Ильич Ленининнинг қонун чиқариш ва бошқарувни бирлаштирувчи корпорация тарзидаги Советлар тўғрисидаги машҳур ғоясини амалга ошириш йўлларини таҳлил этишга алоҳида эътибор берилди. Ўтмишимизнинг салбий жиҳатлари ҳам синчковлик билан аниқланди. Советлар ҳокимиятини қандай қилиб қайта тиклашга доир ҳозирги вақтдаги бош масала хусусидаги нуқтаи назарларни таққослашда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси арафасида авж олиб кетган мунозара материаллари бебаҳо ёрдам берди.

Шундай қилиб янги Қонунлар лойиҳаси Советлар мамлакати гражданлари ҳукмига ҳавола этилди. Муҳокамани қисқа муддатларда ўтказиш лозим бўлади. Шундан кейин ана шу муҳокама якунларини ҳисобга олиб, СССР Олий Советининг ноябрь ойида бўладиган сессиясида Қонунларни қабул қилиш мўлжалланмоқда.

ТАСС муҳбири В. Саклаков совет қонунчилиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор И. Н. Кузнецов билан ана шу икки ҳужжат ижтимоий ҳаётимизга олиб кирадиган янгиликлар ҳақида суҳбатлашди. И. Н. Кузнецов ана шу лойиҳаларни ишлаб чиқишда қатнашган.

1. ДАВР РУҲИГА МОС ЎЗГАРИШЛАР

— Игорь Николаевич, аввало, ҳозир амал қилаётган Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш зарурати нега пайдо бўлганлиги ҳақида мулоҳазаларингизни эшитмоқчи эдик.

— Конституцияга тузатишлар киритиш — нормал жараёндир. Ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди. Илгарилаб бораверади. Амалдаги Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни қайта қуриш вазифалари тақозо этди. Тақдим этилаётган Қонун қабул қилинганидан кейин бу иш давом этаверади, чунки мазкур Қонун Конституцияга аниқлик киритиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Биз гап юритаётган тузатишлар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида эълон қилинган сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу ислоҳотнинг моҳияти партия ва давлат органлари функцияларини белгилаб қўйишдан, қуйидан бошлаб юқоригача Советлар ҳокимиятини қайта тиклашдан иборатдир.

Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар сайлов системасини қайта ташкил этиш ва ССР Иттифоқи олий ҳокимият органлари структурасида зарур ўзгаришлар қилишга қаратилгандир.

Бундан кўзда тутилган мақсад жамиятимиздаги барча синфлар, социал гуруҳлар манфаатларини демократик асосда аниқлаш, шакллантириш ва акс эттириш механизмини вужудга келтириш ва созлашдан, кўп миллатли давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ва аввало, бошқарувнинг юқори поғонаси даражасида бу манфаатларни келишиб олиш ва амалга оширишдан иборат.

ДЕМОКРАТИЯЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

• *ТАСС шарҳи*

— Конституцияга киритиладиган асосий тузатишларнинг моҳияти нимада?

— Советларнинг конституцион тушунчаси анча кенгаяди. Янги бўғин, яъни СССР халқ депутатлари съезди, шунингдек иттифоқдош, автоном республикалар халқ депутатлари съездлари жорий этилади. СССР халқ депутатлари съезди халқ депутатлари Советлари системасида олий ўринни эгаллайди.

— Ўтмишда Советлар съездларини ташкил этиш ва мазкур съездлар фаолияти тажрибаси ҳисобга олинганми?

— Номлари бир қадар ўхшаш бўлса ҳам улар ўртасида анча тафовутлар бор, ушбу тафовутлар таъсис этилаётган съезд ҳозиргача бизнинг давлат практикамизга номаълум бўлган янги орган эканлиги хусусида гапиришга имкон беради.

— СССР халқ депутатлари съезди Советлар съездидан нимаси билан тубдан фарқ қилади?

— Бундай тафовутлар иккита. Биринчидан, Советларнинг съездлари қуйи Советлар делегатларидан иборат бўлар эди, яъни ушбу съездлар кўп босқичли сайлов негизида ташкил топар эди, СССР халқ депутатлари съезди составининг учдан икки қисми эса тўғридантўғри умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан, СССР гражданлари томонидан сайланади. Бунинг устига сўнггги вақтгача СССР Олий Советлари тузилган сайлов системаси асосида сайланади.

Шу билан бир қаторда СССР халқ депутатларининг учдан бир қисми жамоат ташкилотларидан сайланади.

Принципиал янгилик худди ана шундадир! Гражданлар томонидан бевосита съездга 1,5 минг депутат сайланади. Жамоат ташкилотларидан 750 киши сайланади.

— Ҳокимият олий органини тузишнинг ана шу усулига бундай ёндашувни нима тақозо этмоқда?

— Жамиятимизда мавжуд барча синфлар ва социал группалар манфаатлари тўлароқ ҳисобга олиниши таъминланади.

— Сиз биринчи тафовут ҳақида гапирдингиз. Иккинчи тафовут нимадан иборат?

— Бу тафовут шундаки, Советлар съезди делегатларининг ваколатлари муддати съезд иши ваколати биланоқ тугар эди ва кейинги съездга қуйи Советларнинг янги вакиллари сайланар эди. СССР халқ депутатларининг съезди 5 йил муддатга сайланади ва шу муддат мобайнида съезд битта составда иш олиб боради.

— Қайси жамоат ташкилотлари съездда ўз вакилларига эга бўлади?

— СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 18-моддасида вакиллик нормалари ва ана шундай жамоат ташкилотларининг рўйхати батафсил белгилаб берилган.

— Депутатлар ўртасида дин арбоблари ҳам бўладими?

— Ҳа, бу истисно этилмайди. Сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасида жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари номзодлигига ана шу ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, фонд қатнашчиси ёки гражданлар бошқа бирлашмаларининг иштирокчиси, жумладан, дин арбоблари ҳам кўрсатилиши мумкинлиги кўзда тутилади.

— Сайлов системасига бошқа айрим ўзгаришлар ҳам киритилмоқда. Уларнинг моҳияти нимада?

— Ниҳоятда принципиал жиҳатлар орасида СССР халқ депутатлари, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатлари, шунингдек, маҳаллий Советлар депутатлигига сайлов округлари бўйича ўтказилиши тўғрисидаги қоида бор. Округлар бир мандатли ва кўп мандатли бўлиши мумкин. Сайловда номзодлар чекланмасдан кўрсатилиши таъминланиши ҳақидаги қоида Конституция . йўли билан мустаҳкамлаб қўйилади. Сайлов бюллитенларига қоида тарзида мавжуд мандатлар сонига нисбатан кўпроқ номзодлар киритилади.

— Бу ўринда биз «бир одам — бир овоз» деган илгари ўзгармас бўлиб келган принципни бузаётганимиз йўқми?

— Сайлов округлари бўйича сайлов ўтказилаётганида ушбу принцип ўз кучини тўла сақлаб қолади. Жамоат ташкилотларидан сайлов ўтказилаётганида, ана шу ташкилот Умумиттифоқ органи съезди, конференцияси делегати ёки пленумининг қатнашчиси ҳам фақат битта овозга эга бўлади.

— Қонунчилигимизда биринчи марта депутатлик мандатнинг давлат аппаратида бир қанча давозимларни эгаллаб туриш билан зидлиги ҳақидаги қоида таклиф этилмоқда.

— Ана шу қоиданинг Конституцияга киритилиши ниҳоятда муҳимдир. Ушбу қоида Советларнинг назорат қилиш имкониятларини кескин кучайтиради, чунки Советлар составига бундан буён мансабдор кишилар ва Советларга ҳисоб бериб турадиган органларнинг аъзолари сайланмайди. Шундай қилиб, Конституцияга киритилиши мўлжалланаётган ўзгаришларга кўра, ҳукумат аъзолари, яъни СССР министрлари ва СССР давлат комитетларининг раислари, шунингдек, СССР Олий судининг раиси ва шу суднинг аъзолари, СССР Бош прокурори, СССРнинг Бош давлат арбитри ва Олий Советга ҳисоб берадиган органлар составига кирадиган кишилар СССР халқ депутатлигига сайлана олмайдилар.

Фақат шунинг ўзигина эътиборга олинаётгани йўқ Юқорида номи тилга олинган мансабдор кишиларнинг иши кўп ва улар депутатлик юмушларига кўп вақт ажратиш имкониятига эга эмаслар. Илгари, Олий Совет иши эскича ташкил этилаётганида, бу билан муроса қилса бўларди, аммо давлат ҳокимияти олий органлари фаолиятининг характери ўзгараётган ҳозирги даврда бу депутатлик лавозимини эгаллаш йўлида жиддий тўсиқ бўлади. Чунки, ҳар бир депутат зиммасига қонун чиқариш, бошқариш ва контрол қилиш фаолияти юзасидан жуда катта юмуш тушади. Бундай шароитда министр ўзининг асосий вазифасини бажаришга ва депутатлик бобидаги жуда катта ишларни ҳам адо этишга қандай қилиб улгурсин.

— Конституцияга киритилиши мўлжалланаётган тузатишлардан бири депутатлардан бир қисмини депутатлик фаолияти адо этилаётган муддатда асосий ишдан озод қилиб қўйиш имкониятини назарда тутади.

— Тўғри, СССР Олий Совети составига сайланган СССР халқ депутатларини уларнинг СССР Олий Советидаги ваколатлари амал қилаётган бутун бир даврда асосий ишдан озод қилиб қўйиш кўзда тутилмоқда. Практика шуни кўрсатмоқдаки, ана шу шартга риоя қилинмас экан, давлат ҳокимиятининг олий ваколатли органи фаолиятининг барча жиҳатларини сўзда эмас, балки амалда активлаштиришга эришиш қийин бўлади.

Адолат шамчироғи

Мен маҳаллий Советларга бўлган олдинги сайловда расмиятчиликни фош этиб, ўзим кўп таъқибларга учрадим. Бу билан, аввало район партия комитетининг айрим раҳбарларига ёқмадим. Уларнинг ҳомийлигида мени қувғинга солишди. «Совет Ўзбекистони» газетаси бу ҳақда ўз газетхонларига ҳикоя қилиб берди. 1988 йил 5 августда эълон қилинган «Адолат топталмайди» деб номланган бу мақола мен ҳақимда, умуман депутат ҳақида эди.

Ўз тақдирим, ўз фаолиятим нуқтаи назаридан СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ўрганиб чиқдим. Ҳамма саволларга жавоб топдим. Нақадар ажойиб вақтда яшаётганимдан шодландим. Айни пайтда депутат тақдирига оид масала, Асосий Қонун орқали мустаҳкамланиши зарурлиги кўнглимдан ўтди. Депутатни менсимаслик, таҳқирлаш, таъқиб қилиш ҳолларига чек қўйилмас экан, демократия чала ҳақиқатдан иборат бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Шунинг учун ҳам Асосий Қонуннинг 12-бобида қуйидаги сатрлар бўлишини истардим: **«Халқ депутатини таъқиб қилиш, киши обрўсига путур етказиш, ижодий фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолларига эрк берган раҳбарлар кечирилмас хатога йўл қўйган ҳисобланадилар».** Балки бу сатрлар кимгадир эриш туюлар. Чунки депутат мавқеини ҳимоя қиладиган қонунлар бор-ку, дейишлари мумкин-да. Афсуски, бу қонунлар умумий тарздадир.

Хуллас, менинг депутатлик фаолиятим ана шундай фикрга келишимга асос бўлди. Умуман олганда, сиёсий система қайта қурилиши давримизнинг залворли улуғ қадами деб биламан.

Олимжон ТОШНИЁЗОВ,
Иштихон районидаги «Зармитан» геология-қидирув экспедицияси катта геологи, область Совети депутати.

Далолат

Ёшим 60 дан ошди. Шу давр ичида жуда кўп сайловларда қатнашдим. Совет Конституциясида гарантияланган илм олиш, меҳнат қилиш, дам олиш, сайлаш, қариган чоғда таъминланиш каби барча ҳуқуқлардан фойдаландим.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган «СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақида» СССР Қонунининг лойиҳасини эътибор билан ўқиб чиқдим. Лойиҳанинг моддалари совет сайлов системаси янада такомиллашаётганидан далолат. Чунончи, сайловчилар депутатликка номзодларга ўз муносабатларини бемалол билдиришлари, ўзларининг сайлаш ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратилади.

Ҳаётимизда кейинги йилларда рўй берган ошкоралик, демократик ўзгаришлар лойиҳада ўз аксини топганлиги, айниқса қувончли. Дарҳақиқат, СССР халқ депутатларини сайлашга тегишли моддалар совет сайлов системасини янада демократиялашни кўзда тутади.

СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги Қонун лойиҳасининг 46-моддасида «СССР халқ депутатлигига номзоднинг ўн нафаргача ишончли вакиллари бўлиши мумкин,...» дейилган. Буни мен жуда кўп деб ҳисоблайман. **Ишончли вакил 4—5 нафардан иборат бўлса етарли,** деб ўйлайман.

Х. СУЛАЙМОНОВА,
врач, Тошкент шаҳри.

Ҳаётий тажрибага асосланган

Менга юрист сифатида «СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасининг 13-боб 96-модда 4-абзаци охиридаги «Судлар, прокурорлар ва давлат арбитрлари ўз вазифаларини амалга оширадиган территорияда Советларнинг депутатлари бўлаолмайдилар» қоидаси жуда маъқул бўлди. Лойиҳадаги бу қоида ҳаётий тажрибага асосланиб киритилган.

Лойиҳанинг 15-боб 152-моддасидаги «Барча судларнинг судьялари ўн йил муддатга сайланади», деган қоидага қаршиман. Буни СССР Конституциясининг эски редакцияси бўйича қолдириб «барча судларнинг судьялари беш йил муддатга сайланади» деб ёзилишини истар эдим. Негаки судьяларнинг бирданига 10 йилга сайланиши мақсадга мувофиқ эмас.

С. БЕҚҚУЛОВ,
Навоий шаҳар адвокатлар коллегияси аъзоси.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИ:

— Газетанинг 1988 йил 30 август сонида босилган «ҲА, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ...» сарлавҳали мақола билан танишиб чиқилди. Министрлик СССР халқ таълими давлат комитети коллегиясининг «Ўрта ўқув юртларида СССР тарихи (совет даври)ни ўқитишни ўқув-методик таъминлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон ССР тарихини ўқитишни яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни белгилади.

Ўзбекистон ССР тарихи (9-10-синфлар) дарслигидаги ўқув материали танқидий таҳлил қилиниб, республикамиз тарихининг совет даври қисмини ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан ҳамкорликда 1989 йилнинг охиригача умумий таълим мактаблари учун «Ўрта Осиё халқлари тарихи» бўйича факультатив курс программаси тузилиб, унга методик қўлланма тайёрлаш учун авторлар коллективини ташкил қилиш белгиланди.

ҒАЛЛАОРОЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— «АВВАЛО ЖАНГОВАРЛИК КЕРАК» (4 сентябрь) сарлавҳали мақола район партия комитети бюросида муҳокама этилди. Унда келтирилган фактлар тўғри.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини тайёрлаш ва коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш юзасидан йўл қўйилган камчиликлар «Ғаллаорол» совхоз партия комитети секретари Р. Исроиловга кўрсатиб ўтилди.

ЧИРЧИҚ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетада босилган «СИФАТИ ПАСТ ТАОМЛАР» (15. 08. 88 йил) сарлавҳали мақола 8-ошхона умумий йиғилишида «Чирчиксельмаш» заводи маъмурияти, парткоми ва касаба союз комитети вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Ошхоналар трести бўйича чиқарилган буйруққа кўра, «Чирчиксельмаш» заводининг цех ошхоналари ишлари устидан назорат ўрнатмаганлиги, таомлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш сифати пастлиги учун ошхона мудири Н. Азизов, технолог В. Аксенова, инженер-технолог Н. Ишмуҳаметова, ошхоналар трести ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Казьмишевалар маъмурий тартибда жазоландилар, қуйиш цехи ошхонаси мудираси В. Меметованинг лавозими пасайтирилди.

Заводнинг 7-цехида 120 ўринли миллий таомлар ошхонаси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўзбекистонда олтин куз. Ана шу фаслда республикамиз шаҳарларининг кўчалари, майдонлари ва ҳиёбонларида хорижий меҳмонларни ҳар қачонгидан кўп учратиш мумкин. Чет эллик туристлар Ўзбекистонга дастлаб 30-йиллар бошларида ташриф буюришган эди. Тошкент ва Самарқанд Ўзбекистоннинг биринчи халқаро туристик марказлари бўлиб, улар 1958 йилда юзга яқин хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатганди. Ўтган йиллар мобайнида бу халқаро туризм марказларига кўпгина шаҳарлар ва маршрутлар қўшилди. Бухоро ва Хива, Шаҳрисабз ва Фарғона, шунингдек Мирзачўл орқали автомобиль сафари шулар жумласидандир. Ўтган йили жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакатдан салкам 220 минг киши республикамизда меҳмон бўлди.

Турли мамлакатлардан ташриф буюраётган меҳмонлар Ўзбекистон халқларининг турмуши ва меҳнат мароми, маданияти ва анъаналари ҳамда республикамиз миллида социализм муваффақиятларини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Совет Ўзбекистонига бўлган қизиқиш эса йил сайин ортмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Яқинда америкалик шифокорларнинг ихтисослашган туристик группаси республикамиз ҳаёти билан танишди. Унга бошчилик қилган АҚШдаги «Орбит Эйр» йирик туристик фирмага қарашли «Рашнатравел бюро» компанияси вакили жаноб М. Макдональд қуйидагиларни айтди:

— Саёҳатчиларнинг Совет Иттифоқига оқими тобора ортмоқда. Ватандошларимнинг мамлакатингизга бўлган қизиқиши жуда катта. Тошкент ва Самарқанд сингари қадимий шаҳарларга сафар жуда катта таассурот қолдиради.

Туристлар турли ёшдаги, социал ва сиёсий ҳамда диний қарашлардаги кишилардир. Лекин уларни халқлар ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бутун жаҳонда тинчлик ва ишончни мустаҳкамлашга катта таъсир ўтказаётган совет воқелиги билан танишишга интилиш бирлаштиради. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига туристик сафар қилган туркиялик олим Али Гурхон фикри ҳам шундан далолат беради.

— Сафаримдан мақсад — мен учун яқин бўлган ҳаётни кўришга бўлган интилишдир, — деди ҳаяжон билан Али Гурхон. — Одамлар турмуш тарзи, уларнинг характери, маданияти ва анъаналари турк халқига яқин. Ўзбекистонга сафар менинг совет воқелиги ҳақидаги тасаввур ва қарашларимни ўзгартириб юборди. Менга шундай унутилмас саёҳат қилиш имконияти берилгани учун беҳад хурсандман, — деб таъкидлади турк олими.

Афсуски, чет эл туризми моддий базаси сust яхшиланмоқда. Гоҳида меҳмонларнинг кайфиятини бузаётган ҳолатлар ҳам юз беряпти, уларга хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Меҳмонхона фондлари, умумий овқатланиш пунктлари етишмаслиги сақланиб қолмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Жумладан, «Интурист»нинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро бўлимлари моддий базасини кенгайтириш мақсадида янги меҳмонхоналар комплекси қурилиши бошланган. СССР ва Ҳиндистон ўртасида тузилган битим асосида ҳинд фирмалари вакиллари уларни бунёд этишга киришган. Машҳур ҳинд «Тата» фирмаси Тошкентда 600 ўринга мўлжалланган меҳмонхона комплекси қурилишини 1990 йил ноябрида тугатади.

Ҳозир халқаро туризмни «Тинчлик паспорти» деб аташмоқда. Мамлакатимизда туристик сафар ҳужжатларини расмийлаштириш соддалаштирилди.

Б. ЗУФАРОВ.

• *Ишчи назорати фош этади*

ХАРИДОРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

— Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаси корхоналари ҳамда ташкилотлари иши устидан назорат комиссиялари тузилгани яхши бўлди, — деди касаба союзлари Андижон область Совети ҳузуридаги ишчи назорати комиссиясининг раиси Жўрабой Насриддинов, — бу савдо-сотиқ ишларини тартибга солиш, камёб товарларни пештахта остидан сотишга чек қўйиш имконини беради.

Областдаги барча касаба союз ташкилотлари қошида ишчи назорати комиссиялари иш бошлади. Шу муносабат билан область партия комитетида назорат комиссиялари ишини ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маҳаллий газеталар саҳифаларида «Ишчи назорати — амалда», деган янги, доимий рубрика очилди. Бу материалларни касаба союзлари область Совети қошида ташкил топган жамоат матбуот маркази ходимлари тайёрлаб бермоқдалар.

Ишчи назорати комиссиялари кучи билан салкам бир ой ичида 193 марта текшириш ўтказилди. 83 та акт тузилди. Совет савдоси қоидалари бузилгани ҳақида 53 та сигнал тушди. Ҳозирги кунда меҳнат коллективларида икки мингдан ортиқ киши ишчи назорати комиссиясига жалб этилди.

— Савдо ташкилотлари, хусусан магазинларда харидорларни алдаш, камёб товарларни беркитиб қўйиб, қимматига сотиш ҳоллари ҳамон давом этяпти, — деди Ж. Насриддинов, — биз бир қатор магазинлар ишини текшириб бунга амин бўлдик.

Марҳамат райони марказида жойлашган 14-озиқ-овқат магазини пештахталарида намуна учун қўйилган товарлар унча кўп эмас. Лекин магазин омборидан бир неча яшик 95 маркали чой ва 2 тонна шакар топилди. Нега бу чой ва шакар ўз вақтида сотилмади, деган саволга магазин мудири Г. Давлатов аниқ жавоб айтолмади. Ишчи назорати комиссияси текширувидан кейин пештахтага чиқарилган камёб чой ва шакарни кўриб, харидорлар ҳайратда қолдилар, хурсанд бўлиб харид қилдилар.

Шу райондаги 21-озиқ-овқат магазинида тарози шундай усталик билан созлаб қўйилганки, сотувчи ҳар бир харидор ҳақидан сездирмайгина 20 граммдан уриб қолар экан. Сотувчи бир ҳафтада, бир ойда харидорни қанча алдашини тасаввур қилиб кўринг-а? Текшириш жараёнида магазин пештахталарига қўйилган ҳар хил конфетлар, печеньелар ва бошқа товарларнинг кўпида нарх ёрлиқлари йўқ эди.

Область марказидан борган назорат комиссияси аъзолари текшириш якунини харидорлар иштирокида ошкора муҳокама қилдилар. Харидорлар ҳам дилларидаги гапларни айтдилар. Лекин уларнинг ўринли танбеҳлари магазин мудири А. Барақулов ва сотувчиларга таъсир қилмаганлиги сезилиб турди.

Назорат комиссияси «Комсомол 60 йиллиги» совхози коллективига хизмат қилаётган 33-магазинда июнь ойидан бери совун, августдан буён шакар йўқлигини аниқладилар. Магазин складида 2802 сўмлик 165 жуфт оёқ кийими чанг босиб ётибди. Пештахтага қўйилган 14 хил маҳсулотнинг нархи ёзилмаган. 60 сўмлик ихчам тикилган аёллар костюми ва халатларига ҳам магазин пештахтасидан жой топилмаган. Магазин омборхонаси ифлос, товарлар бетартиб қўйилган. Хона ичида сичқонлар югуриб юрганини кўрасиз. Ҳ. Умрзоқова, Ч. Мирзақулова каби сотувчиларда санитария дафтарчалари йўқ. Назорат комиссияси аралашувидан кейин складдан топилган товарлар магазин пештахтасига чиқарилди. Шундай савол туғилади: совхоз раҳбарлари қаёққа қарашяпти? Касаба союз комитети раисининг хаёли қаёқда экан?

Касаба союзлари область Совети ҳузуридаги ишчи назорати бош штаби хонасида телефон жирингланди. Харидор Раиса Яковлевна Резвева Андижон шаҳридаги 18-магазиндан бир неча метр «импорт» газлама сотиб олганлиги, сотувчи Я. Раҳмонова ҳар бир метр газламани 1 сўм қимматига сотганлигини айтди. Оператив группа воқеа содир бўлган жойга етиб борди. Сотувчи группа аъзоларига ҳам газламанинг бир метри 8 сўм 80 тийин, деди. Фактураси текшириб кўрилганида унинг баҳоси 7 сўм 80 тийин эканлиги аён бўлди. Сотувчи харидорга уриб қолинган пулни қайтариб бераётиб, еб қўйгудек қўрайди, ўндан кечирим сўрамади ҳам.

Магазин пештахталарига қўйилган газламаларнинг бирортасида нархи ёзилмаган эди. Пештахта остида «Керакли одамларнинг зарурати» учун Москва — Париж ҳамкорликда ишлаб чиқарган 8 флакон ҳар бири 15 сўмлик «Реноме» атири яшириб қўйилганди.

Биз агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи Ленинск шаҳар комитети ҳузурида ташкил топган ишчи назорати комиссияси фаолияти билан танишдик. Комиссия раиси Раҳмонали Ҳакимов дастлабки ишлар ҳақида гапириб берди.

— Ишчи назорати комиссиясига штатдаги касаба союз ходимлари, маҳаллий Советлар депутатлари, санитария, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, савдо инспекцияси вакилларидан иборат 22 киши жалб этилган, — деди у. — Биз Ленин номли колхознинг Закан қишлоғидаги 65-аралаш моллар магазинида бўлдик. Бу ерда қоғоз халтага 1 килограмм деб 900 грамм ширин кулча-пряник солиб қўйилган. Харидорлар эса бир килога ҳақ тўлашяпти. Қадоқланган қанднинг нархи ёзилмаган, муддати аллақачон ўтиб кетган 1000 шиша дюшес ичимлиги сотиляпти.

Энгельс номли колхоз касаба союз комитетининг раиси Ш. Каримова, партком секретари А. Мирзаев билан 23-ўрта мактаб буфетини ҳам кўрдик. Буфет покиза, овқатлари сифатли. Лекин бу ерда ҳал қилиниши зарур бўлган бошқа бир муаммога дуч келдик. Буфетда олти ёшли болалар колхоз ҳисобидан бепул овқатлантирилади. Мактабда бундай болалар 28 та, шундан 11 нафари колхозчиларнинг, 17 нафари ишчи ва хизматчиларнинг фарзандларидир. Уларнинг ота-оналари турли ташкилотларда ишлашади. Колхоз бухгалтерияси хўжалик ҳисобига ўтилгандан кейин «бегона» болаларга бепул овқат бермай қўйди. Шаҳар халқ маорифи бўлимидан эса «барча олти ёшли болалар текин овқатлантирилсин», деган кўрсатма бор. Нима қилиш керак. Бундай муаммо колхозлар территорияларида жойлашган бошқа мактабларда ҳам рўй беряпти. Халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети ижроия комитети бу долзарб масалани чуқур ўрганиб ижобий ҳал қилиши керак.

Мисоллардан кўриниб турибдики, ишчи назорати комиссиялари ўз фаолиятини магазинлар ишини назорат қилишдан бошлашди. Эндиликда уларни умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари кутяпти. Ишчи комиссиялари шунчаки назорат қилувчи орган бўлиб қолмай, айни вақтда тадқиқот органи ҳамдир. Улар тақчиллик сабабларини аниқлашга, уни тугатиш йўлларини белгилашга ёрдам беришлари керак. Совет ва хўжалик органлари тегишли масалаларни ҳал қилиш чоғида ишчи назорати комиссияларининг фикрларини ҳисобга олишлари лозим.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Ташвишли сигнал*

УЙҚУДАН УЙҒОТМАГИЛ...

Кейинги пайтда ҳамма соҳада талабчанлик, назорат кучайиб боряпти. Лекин Навоий райони матлубот жамиятининг жамоатчилик назорат комиссиялари аъзолари ҳамон уйқуда. Уларнинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам сезилмаяпти.

— Масала унчалик даражага етгани йўқ, — дейди РайПОнинг ташкилотчи инспектори О. Маҳмудов. — Комиссияларимиз ишлаяпти. Мана рўйхатлари.

Чанг босган папкани очамиз. Уч хўжаликдаги комиссия аъзолари қайд этилган қоғозлар, инструкциялардан бўлак нарса йўқ. Бу рўйхатлар ҳам 1985 йилда олинган экан. Шундан буён уни ҳеч ким очиб кўрмаган кўринади. Бўлмаса жилла қурса райондаги қолган хўжаликлардаги назоратчиларнинг номлари бунга қўшилган бўлар эди. Балки амалдаги иш бошқачадир?

Театр унга кираверишдаги кийим илгичдан бошланади, дейишади. Магазинларчи? Савдо ходимларининг фикрича, иш режими ёзилган вивескалардан. Афсуски, область, район матлубот жамиятлари ходимлари билан биргаликдаги текширишда магазинларнинг кўпчилигида худди шундай вивескаларни учратмадик. Қолганларида эса иш режимига риоя қилинмаётган эди. Ачинарлиси шундаки, савдо нуқталарининг ҳаммаси оддий санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди.

Бу жуда жузъий фактлар бўлиб кўриниши мумкин. Аслида худди шу нарсалардан тартиб, интизом, маданият бошланади. Нега бу камчиликларга жамоатчилик, матлубот назорат комиссиялари эътибор беришмаяпти?

— Бундай комиссиянинг борлигини биринчи бор эшитишимиз, — дейди 3-саноат моллари магазини сотувчиси Б. Файзиева. — Балки ёдимдан кўтарилганмикан, деб у яна анча ўйланиб турди. — Тўғрисини айтиш керак-да. Бизда бундай назоратчилар йўқ.

Масъул ўртоқлар тушунтиришди: комиссия аъзолари вақти-вақти билан келиб ишларингизни текшириб туришлари керак. Сифат ва натижадорликка, камёб молларнинг сотилиши, озодалик каби масалаларга эътибор беришади. Айни чоғда камчиликларни тузатишда ёрдам кўрсатишади. Чунки улар бизнинг энг яқин ёрдамчиларимиздир.

— Унда жуда яхши бўлар экан, — дейди сотувчи. — Масалан, яқинда атиги 340 дона хўжалик совуни олдик. Аҳоли кўп. Ҳаммага етказишимиз қийин. Уни сотиб бўлгунча кўп қийналишга тўғри келди. Агар ана шу назоратчилар бўлганда ишимиз енгил кўчар экан.

Бошқа магазинларда ҳам худди шундай аҳволга дуч келдик. Ҳар бир участка ёки магазинда жамоатчи матлубот комиссиялари борлигини, ҳатто улар бўлиши лозимлигини билишмайди. Хуллас, комиссиялар бир пайтлари номига тузилгану кейин унутилган.

Аслида улар ишини ким ташкил қилади? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, РайПО правлениеси (правление раиси И. Худойқулов ва унинг қўл остидаги ходимлари) учун бунинг ҳеч бир зарурати йўқ, яхшиси, улар ишламагани маъқул. Чунки савдо ходимларининг савдоғари «сеҳрли ишларига» халқнинг беришлари мумкин-да.

Шу боис Навоий район матлубот жамияти жамоатчилик асосида ишловчи комиссиялари уйқуда. Уларни уйғотиш вақти етди. Бўлмаса, район магазинларидаги камчиликлар барҳам топмайди, савдо маданияти пастлигича қолаверади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲОСИЛ-88

ПАХТАКОР ВА ҲАШАРЧИЛАР!

● Пахта учун курашда сўнгги якунловчи босқич — ҳал қилувчи палла бошланди. Ҳар бир кун, ҳар бир соатни ғанимат билиб, дала ишларини зарбдорчасига ташкил этайлик.

● Барча куч, имконият ва техника воситаларини ишга солиб, терим суръатини оширингиз.

● Куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Ҳосилни барвақт ва тўла йиғиштириб олиш — ҳаммамизнинг биринчи даражали сиёсий, социал вазифамиз.

Суръат ошмоғи керак

Ҳозиргача республика қабул пунктларига 4 миллион 700 минг тоннага яқин, яъни планнинг 89 проценти атрофида «оқ олтин» топширилди. Шунинг 2 миллион 340 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилиб, бу борадаги план 77,71 процент қилиб адо этилди.

Хоразм, Тошкент ва Бухоро областларида пахта тайёрлаш плани бажарилди. Қашқадарё области заршунослари зафар маррасини эгаллаш арафасида туришибди. Тошкент, Қашқадарё областларининг механизаторлари машина терими планини адо этдилар. Йирик пахтакор область — Сирдарёда ҳам бу борадаги план бажарилди. Фарғона водийси ва Самарқанд областлари хўжаликларида машина терими ҳамон орқада қолмоқда.

Телефонда республика Давлат агросаноат комитети пахта ва каноп ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. НАЗАРОВ:

— Ҳозиргача 30 район, 400 та хўжалик ва 9 мингта бригада пахта тайёрлаш планини бажариб, мажбурият ҳисобига ҳом ашё топширмоқда. Бу ўтган йил шу давридагидан анча кўпдир.

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида давлатга 868 минг тонна ёки планнинг 16,5 проценти миқдорида пахта топширилди. Шу муддат мобайнида Тошкент, Қашқадарё, Сирдарё областлари, айниқса, Жиззах зонаси хўжаликларида машина терими тезкорлик билан олиб борилди. Иккинчи ўн кунлик охиридан бошлаб бу ерда кўсак терадиган ва тўкилган пахтани терадиган агрегатлар, кўрак чувийдиган механизмлар иш бошлади.

Ҳозир об-ҳаво анча мураккаблашди. Кўп жойларда ёғингарчиликлар бўлиб ўтди ва бу йиғим-терим суръатининг пасайишига олиб келди. Синоптикларнинг маълумотига кўра шу ой охирида ёғингарчиликлар бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳозир ишни оқилона ташкил этиш, қулай кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Энди суръатнинг ортиши далаларда ишлаётган одамларнинг сонига боғлиқ. Хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари этак боғлаб далага чиққан ҳар бир кишининг унумли ишлашига тўла имконият яратишлари даркор.

Терим машиналарини муддатидан илгари тўхтатиш ҳам ярамайди. Ҳозир ўтган ҳафтага нисбатан далаларда 8 мингта машина кам ишлаяпти. Уларнинг сони Сирдарё, Қашқадарё, ва Тошкент областларида айниқса, тушиб кетди.

Тўғри ҳозир республика агросаноати ходимлари об-ҳаво пахтачилик учун қулай келган 1985 йил мавсумидаги пахта тайёрлаш суръатидан анча олдинда бормоқдалар. Лекин Самарқанд, Наманган, Фарғона ва Андижон областларида эса бунинг аксини кўриш мумкин. Уларда ўша даврдагига нисбатан 225 минг тонна кам пахта тайёрланди.

Ҳосили йиғиб-териб олинган пайкалларда кузги агротехника тадбирларини ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Далаларни ғўзапоядан тозалаш, ўғит ташиб чиқариш, шудгорлаш, ерларни текислаш ва пуштага экиш учун ариқ олиш ишларини ўз вақтида бажаришга эришайлик. Район, областнинг планни бажаришини кутиб, қулай вақтни ўтказиб юборишдек эскича иш усулларига барҳам бериш лозим. Келгуси йил ҳосили ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир хўжалик раҳбари, мутахассисининг муҳим вазифаси бўлсин.

ПУДРАТНИНГ ҚУДРАТИ

Колхозимизда 970 гектар пахта майдони бор. У 303 та пудратчи оилага бириктиб берилган. Пудратчилар шартномага кўра 3100 тонна хом ашё етказиб беришлари, жами ҳосилнинг 80 процентини биринчи сортларга сотилишини таъминлашлари лозим эди.

Биз бунга қарийб 10 кун барвақт эришдик. Мавсум бошидан буён йиғим-теримни аниқ графиклар асосида олиб бордик. Пудратчилар ўртасидаги ўзаро мусобақанинг бош шарти — теримда суръат ва сифатнинг юқори бўлишини таъминлаш бўлди. Пировардида, барча пудратчи оилалар планни муваффақиятли уддалашга эришдилар. Бутун ҳосил биринчи сортга қабул қилиниб, унинг асосий қисми машиналарда териб олинди. Назира Қурбонова бошлиқ оилавий звенода 4 гектар ердан 13 тонна ўрнига 15 тонна ҳосил йиғиштирилди. Рўзигул Рўзматова, Зулфия Собировалар бошлиқ ўнлаб пудратчи оилавий звенолар маррага биринчилар қаторида келишди. Механик-ҳайдовчилардан хирмонлар баракасини оширишда Қаландар Рўзматов, Эркин Ҳасановларнинг ҳиссалари катта.

Хуллас, пудратда қудрат ҳам, ҳикмат ҳам кўп экан. Энг муҳими, у туфайли ҳосил тақдири учун масъулият ошди, пахтакорлар меҳнати муносиб қадрланадиган бўлди. Ана шулар ҳисобига колхозимиз карвони бу йил манзилга ҳар қачонгидан эрта етди.

Бекжон ОТАЖОНОВ,
Янгариқ районидаги 1 Май колхозининг бригада бошлиғи.

Туғилдиқ Ёдгоров Арнасой районидаги Василевский номли совхозда кўп йиллардан бери бригадир бўлиб ишларди. Шу йил бошида у бригадани ўғли Шамсиддинга топшириб, ўзи оилавий пудрат асосида ишлай бошлади. 35 гектар майдондан 100 тонна пахта топшириб, планни ортиғи билан бажарди.

Суратда: Шамсиддин Ёдгоров отасини муваффақият билан табриклаётган пайт.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

БАЙРАМГА — МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

✦ Бухоро областининг Қоракўл райони пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Улар давлат қабул пунктларига 76400 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи сортларга сотилди.

✦ Областнинг Шофиркон райони пахтакорлари ҳам ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар давлатга 41200 тонна пахта сотишди. Тайёрланган пахтанинг кўп қисми юқори сортларга топширилди.

✦ Ғиждувон райони деҳқонлари эса Ватан хирмонига 59000 тонна пахта етказиб бериб, зафар қучдилар. Бригада ва оилавий пудрат звеноларининг самарали меҳнати, об-ҳавонинг қулай келганлиги туфайли ана шундай ютуққа эришилди.

✦ Сирдарё областининг Зомин райони миришкорлари эл хирмонига 51 минг 960 тоннадан знёд дурдона топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Ҳосилнинг 60 процентдан ортиқроғи машиналар бункеридан тўкилди.

✦ Шу областнинг Пахтакор райони ҳам йиллик топшириқни уддалади. Пахтакорликлар давлат қабул пунктларига 41 минг 200 тонна дурдона етказиб бердилар. Пландаги 31 минг тонна ўрнига 33 минг тонна пахта машиналар ёрдамида териб олинди. Етиштирилган пахтанинг 80 процентдан ортиғи юқори сортга сотилди.

✦ Наманган райони деҳқонлари областда биринчи бўлиб маррага етишди. Она-Ватан улардан 37700 тонна сифатли хом ашё қабул қилиб олди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, агар машина теримига яхши аҳамият берилганда эди марра анча барвақт эгалланган бўларди. Мавсум бошидан бери бу ерда атиги 31 процент атрофида хом ашё машиналар бункеридан тўкилди, холос.

ТЕХНИКАНИ МЕНСИМАЙ...

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА МАШИНА ТЕРИМИГА ЭЪТИБОРНИНГ КАМЛИГИ СУРЪАТГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Фарғона республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотда охирги ўринлардан бирига тушиб қолди. Яқиндагина пешқадамлар сафидан ўрин олиб турган областда терим суръати нега сусайиб кетди? Ёки об-ҳаво шароитлари ноқулай келган йиллари ҳам баракали ҳосил етиштириб юрган фарғоналик миришкор деҳқонлар бу йилги мавсумда адашдиларми? Йўқ.. Область далаларида бунинг аксини кўрасиз.

Мавсумнинг энг қизғин ҳал қилувчи даврларидаги сусткашлик, ортга чекинишнинг боиси нимада? Бунинг асосий сабабларидан бири хўжаликлар раҳбарларининг турли баҳоналар билан машина теримини кучайтириб юборишга тўсқинлик қилаётганлигидадир.

Қува пахта тайёрлашнинг бориши бўйича область районлари рўйхатида охиридан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу албатта донгдор район шанига ярашгулик иш эмас.

— Пахтамиз бу йил кечки бўлиб қолди, — дейди район партия комитетининг иккинчи секретари Муҳаммаджон Ҳасанов. — Каркидон сув омбори таъсирида ерларимиз захлаб кетган. Бироқ планни бажариш даражасида ҳосилимиз бор. Кечроқ бўлса-да маррани эгаллаймиз...

Аммо райондаги мавжуд аҳвол бундай хотиржамликка асос йўқлигини кўрсатади. Хўжаликларда пахтани тез ва нест-нобуд қилмай териб олиш учун жиддий қайғурилмаяпти. 18 октябрь куни теримга сафарбар қилиниши лозим бўлган 12 минг 400 нафар теримчи ўрнига далаларда 9700 киши ишлади. Уларнинг иш унуми ҳам паст. Ҳар бир теримчи ўртача 38 килограммдан пахта терган, холос. Терим машиналаридан фойдаланиш эса мутлақо қониқарсиз. Райондаги мавжуд 138 та пахта териш машинасидан пайкалларга атиги 37 таси чиққан, 100 дан ошиқ машина айни долзарб паллада бекор турибди. Киров номли, «Социализм», Охунбобоев номли колхозларда машиналар билан мавсум бошидан буён бирор килограмм ҳам пахта терилгани йўқ!

Киров номли колхозда терим арафасида: «Пахтанинг 40 процентини машиналарда териб оламиз», дея баланд-парвоз ваъда беришган эди. Мавжуд 7 та пахта териш машинаси ўз вақтида ремонтдан чиқарилди. Афсуски, улардан бирортаси ҳам ҳозиргача дала юзини кўрмади. Ғўзани дефолиация қилиш ҳам чала қолиб кетди. Машинага ажратилган майдонларга эса теримчилар қўйиб юборилди.

— Ёзнинг иссиқ кунлари «Андижон—60» нави экилган майдонларда ғўзанинг иккинчи ярусидаги ҳосил тўкилиб кетди. Шу туфайли машинадан фойдаланмай қўяқолдик, — дейди колхоз раиси Оминахон Исроилова. — Энди йил охиригача ҳам машиналарни далага киритиш ниятимиз йўқ...

— Машиналар ремонти ва дефолиацияга аллақанча маблағ сарфлаган бўлсангиз керак?

— Ҳисоблаганимиз йўқ...

Қўшни «Социализм» колхозида ҳам аҳвол яхши эмас. 17 та терим машинаси мавсум бошидан буён трактор паркида қантарилиб ётибди.

— Пахтамиз кечки. Бунинг сабабини эса ўтган йилги қишки шудгордан излаш керак, — деди алам билан колхоз раиси Абдурасул Юнусов. — Ахир, биз ўтган йили 15 декабргача пахта тердик! 10 январдан кейингина шудгорни тугалладик. Лой ерни шудгор қилиш тупроқ структурасини бузиб юборади. Бу эса келгуси йил ҳосилини барбод қилиш демакдир. Бунинг устига уруғлик чигит ҳам сифатли чиқмади.

Мана шу колхознинг Ўктамжон Саманов номли бригадасидаги 30 гектар ерга июнь ойидан буён трактор кирган эмас. Боиси, ер тузилиши яхши ўрганилмай пахта экиб юборилаверган. Натижада, пайкаллардан юқорироқ жойлашган Каркидон сув омбори таъсиридан ер ости сувлари сатхи кўтарилиб, пайкалларга сув чиқиб қолди. Июль, август ойларида шошилинч қазилган зовурлар ҳам ёрдам бермади. 30 гектар майдондаги пахтазор намиқиб ётибди. Бу пайкалларга кирган машинанинг ботиб қолиши табиий. Хўжаликларда терим сифатига эътибор кам. Пахта чаноқларда қолиб кетмоқда. Тўкилганлари эса териб олинмаётир.

Райондаги Калинин номли, Энгельс номли колхозларда ҳам мана шундай камчиликлар мавжуд. Бу эса ҳосилни ёғин-сочилин кунларга қолдирмай тез ва сифатли йиғиб олишга тўғаноқ бўляпти.

Тошлоқ райони машинада пахта теришда охирги ўринлардан бирида боряпти. Бу ерда ҳозирга қадар машинада пахта териш йиллик плани 26 процентдан ортиқроқ бажарилган, холос. «Партия XXII съезди» колхозида ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилмаган. Техника кучидан самарали фойдаланилмай, қўл теримига зўр берилган эди. Колхоздагилар ўтган йил сабоқларидан хулоса чиқариб олишмаяпти. Машиналар номигагина пайкалларга кирган бўлдию, яна паркка қайтарилди. Ваҳолонки, машиналар ремонти ва дефолиацияга колхознинг анчагина маблағи сарфланган. Хўжалик пахта тайёрлашда район кўрсаткичидан орқада. Раҳбарлар яна ёрдамчилар, мактаб ўқувчилари кўмагига кўз тикиб туришибди.

Фарғона районидаги Ҳ. Турсунқулов номли, Ильич номли, Багдод районидаги «Қизил Ўзбекистон», Жданов номли, Охунбобоев районидаги «Москва», Риштон районидаги Қуйбишев номли, Киров районидаги «Москва» колхозлари, Олтиариқ районидаги «Ленинобод», Охунбобоев районидаги А. Ниёзий номли совхозларда ҳам терим машиналарини турли йўллар билан пайкалларга киритмасликка ҳаракат қилиняпти. Ҳосилни бой бериб қўямиз, деб дефолиацияни ўз вақтида ўтказмаган бу хўжаликларда пахта кечки бўлиб қолганлиги, машиналар «етилмаган кўракни нобуд қилишини» айтиб, аҳволни изоҳламоқчи бўлишади. Ваҳолонки, илғор хўжаликлар тажрибаси бунинг аксини кўрсатяпти.

Масалан, Фрунзе райони хўжаликларида бу йил машина теримига алоҳида аҳамият берилди. Машинада пахта териш плани районда ҳозиргача 83 процентга етди. Шу райондаги Жданов номли совхоз пахтакорлари машина теримини кучайтириш эвазига область совхозлари орасида иккинчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ёки антимеханизаторлик кайфиятлари кучли бўлган Қува районидаги «Ленинизм» колхозини олиб кўрайлик. Колхозда терим машиналари тўлиқ ишлатиляпти. Пахтакорлар ялпи ҳосилнинг 60 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилишган. Машина терими шарофати туфайли кунлик суръат райондаги энг юқори кўрсаткични ташкил этяпти. Шу колхоздаги Э. Мадазимов бошлиқ оилавий звенода ҳосилнинг ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта етиштирилди. Звено аъзолари 8 гектар ернинг ҳар гектаридан қўшимча яна 10 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски, машина теримига муносабат областнинг барча хўжаликларида ҳам бир хил эмаслиги оқибатида машиналар сони камайиб кетди. Қўл теримида эса унум паст бўляпти. Область бўйича ҳар бир теримчи кунига ўртача 31 килограммдан пахта теряпти. Пайкалардаги терим машиналари сони ҳам кундан кунга озайиб бормоқда.

Хулоса шуки, Фарғона областида терим машиналари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хўжаликларда теримни механизациялаштиришга панжа ортидан қарашга барҳам берилмаган. Машина теримини юриштириб юбориш эса эрта баҳордан то кузгача машаққатли меҳнат билан етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда суръатга қанот бахш этган бўлур эди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Дунё овози

Совет—Афғон дўстлиги кунлари

25 октябрь куни Тошкентда тантанали равишда очилган Совет — Афғон дўстлиги кунлари чинакам қардошлик байрамига айланди. СССР Чет эл туризми давлат комитетининг маданиятахборот марказида жамоатчилик вакиллари, ишчилар, фан, маданият арбоблари, Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган афғонистонлик студентлар тўпланишди. Улар Афғонистон Республикаси Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари, тинчлик ва бирдамлик ташкилотининг раиси Сарвар Мангал бошчилигидаги дўст мамлакатдан келган делегацияни қизғин табриклашдилар. Дўстлик кунларининг очилиши Совет Иттифоқида кенг нишонланаётган афғон халқи билан бирдамлик кунига тўғри келганлиги рамзий маънога эга. Йиғилиш аҳли афғон халқининг тинчлик, озодлик ва миллий мустақиллик учун адолатли курашини қатъий қўллаб-қувватлаяжагини изҳор этди. Нутқларда совет кишилари исёнчилар ўз халқига қарши қилаётган жиноятлардан чуқур қайғуга тушаётганликлари айтиб ўтилди.

СССР билан Афғонистон ўртасида азалдан самимий, яхши қўшничилик муносабатлари мавжуд, дейишди нотиқлар. Бу муносабатлар давр синовидан ўтган. Ҳар томонлама Совет — Афғон ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб, ҳозирги кунда мустаҳкам ва барқарор тус олди, СССРнинг ва хусусан, Ўзбекистон мутахассисларининг техникавий кўмагида дўст мамлакатда экономика ҳамда социал соҳанинг ўнлаб йирик объектлари қурилди. Энергетика ва ирригация, транспорт ва газ саноати, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистон хусусий сектори билан ҳамкорлиги соҳасида янги истиқболлар очилмоқда. Ўзбекистон аҳолиси шимолий вилоятларга бевосита оталиқ алоқалари доирасида кўрсатаётган ёрдам уруш вайрон этган Афғонистон хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Совет — Афғон дўстлиги кунлари очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, Афғонистон Республикаси Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Сарвар Мангал нутқ сўзладилар.

Афғонистон республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ғулом Ҳазрат Ҳамгар дўстлик кунлари тантанали очилишида иштирок этди.

* * *

Афғонистондан келган меҳмонлар В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига бордилар. Дўстлик кунлари доирасида Афғонистон халқ ҳунармандчилиги, ҳозирги замон рассомлари ижодиёти, филателия ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма очилди.

Дўстлик кунлари қатнашчилари кўҳна Самарқандга сафар қиладилар, Совет — Афғон дўстлиги митингида қатнашадилар. (ЎзТАГ).

СЎНГГИ СОАТДА

✦ БОННЕ

Душанба куни кечқурун Ғарбий Германия телевидениеснинг биринчи программаси орқали кўрсатилган Кельн-Волгоград телекўприги «Сенга ўхшаган одамлар» деган мавзуда ўтди. Федератив Республикининг миллионлаб граждан-лари иккала томондан ёш ҳарбий хизматчилар ҳамда иккинчи жаҳон урушини босиб ўтган кишилар қатнашган саммий баҳсни қизиқиш билан кузатдилар. Телекўприк ўтказилаётган вақтнинг ўзи шонлидир, деди ТАСС мухбирига кўрсатув ташкилотчиларидан бири Клаус Зибеке. Кўрсатув ГФР канцлери Гельмут Колнинг СССРга визити чоғида намойиш қилинди. Визит икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Аммо мулоқотни фақат сиёсатчиларгина ўтказиб қолмайдилар, оддий кишилар ҳам ўзаро муомала қилиш имкониятига эга бўлишлари муҳимдир.

✦ КОЛОМБО

Коломбо округида душанба куни кечқурун комендантлик соати жорий этилди, деб хабар қилди маҳаллий телевидение. Ҳукумат қўпорувчи гуруҳлар Шриланканинг мазкур районида тартибсизликлар келтириб чиқариш ва террорчилик ҳуружларини амалга ошириш ниятида эканлиги тўғрисидаги маълумотларга эга. Ҳуқуқ-тартиботни бузишга ҳар қандай уриниш армия ва полиция бўлинмалари томонидан қатъий зарбага учрайди, деб таъкидланади телевидение орқали берилган расмий баёнотда.

(ТАСС).

САМАРҚАНД ЎПИРИЛИШДАН ЧИҚАДИМИ?

Пахта тақдири ва у билан боғлиқ муаммолар

САМАРҚАНД қачон, қайси йили пахта топшириш планини тўлдирган эди? Бу саволга жавоб бериш учун яқин беш-олти йиллик тарихни варақлаган киши ижобий гап айтолмайди. Гоҳида об-ҳаво рўкач қилинди, гоҳида сув тақчиллигидан нолишди, гоҳида эса... Хуллас, ҳар сафар баҳона топилди. Аслида Самарқандга нима бўлди?

Ўтган йили шудгор ҳам вақтида ўтказилди. Агротехника бўйича бир қатор янгиликлар жорий этилди. Лекин нега ҳануз область ҳаммадан ортда? Ўпирилиш қачон, қаерда бошланди? Ундан қачон чиқилади? Бугун республикамизда жуда кўпчилик шу ҳақда ўйлайди. Ҳа, бу ташвишлар, хавотирлар бежиз эмас. Чунки бу йил об-ҳаводан нолишга асос йўқ. Пахтакорман деган киши бор-ки, «Пахта йили бўлди» демоқда. Сув тақчиллиги ҳам сезилмади. Хўш, гап нимада ўзи?

Оқдарё район РАПОси раиси Тоҳир Сайфутдинов қўлёзмаларини кўтаради.

— Буни шу йил август ойида хатга туширганман,— дейди у. — Районимизда мураккаб вазият вужудга келганлигининг бош сабаби, **биринчидан,** 1972 йилгача аксарият майдонларга сурункасига фақат пахта экиб келинди. 1972 йилдан кейин ҳам алмашлаб экиш, фақат қоғозларда «уддаланди». **Иккинчидан,** тармоқни химиялаштиришга эътибор ҳаддан ташқари ошиб кетди. Зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши курашда табиий имкониятлардан фойдаланиш унутилди. Ерга ортиқ даражада заҳарли ва бошқа химикатлар сепиларди. **Учинчидан,** Оқдарёда 1973 йилдан буён 170 дан ортиқ артезиан қудуқлари ишга туширилди. Артезиан суви кўплаб фойдали микроорганизмларнинг, ҳатто чувалчангларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Т. Сайфутдинов айни пайтда алмашлаб экиш системасини ислоҳ қилиш зарурлигини айтди. Бошқа районларда ҳам шу қусурлар мавжуд. Хўш, ҳозир бу хатоларни тузатишга ким халақит бермоқда? Камчиликларни йўқотишга йил бошидан киришмоқ лозим эди. Афсуски, ҳали раҳбарларнинг ўзлари бир қарорга келишгани йўқ. 7 сентябрь куни Оқдарё районидаги Карл Маркс номли колхозда пахтакорлар билан маслаҳат кенгаши бўлди.

— Биз бу йил ҳар йилгидан кўра мўл ҳосил етиштирдик, — деди ўшанда Оқдарё район партия комитети биринчи секретари А. Баҳромов. — Кўзланган маррани сўзсиз эгаллашимиз учун барча имконият мавжуд...

Афсуски, 14 октябрь куни у билан қайта учрашганимизда аҳвол оғирлигини ташвиш билан қайд этди. Менимча, бугун область ўзини ўнглаб ололмаётганининг бир сабаби ҳам ростгўйликдан узоқлашиб кетганимизда, бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишни ўрганмаганимиздадир. Бўлмаса, райком секретари ўшанда кўпчиликни нега ишонтирди. Бундан ким ютди-ю, ким ютқизди? Бундай мисол областдаги ҳамма пахтакор районларга хосдир.

Ҳа, ҳақиқий вазиятни яшириш касали жуда чуқур илдиз отди. Бу ўрта бўғин кадрлари орасида ҳам кенг тарқалди. Мана энди ғалвир сувдан кўтарилаётган кезда, улар тағин баҳона қидириб қолишди.

Ҳақиқий аҳвол йил бошидаёқ маълум эди. 1 январгача бўлган маълумот бўйича областда 170 минг гектар ерда чиринди миқдори 0,41—1,2 процент атрофида эди. Бундай шароитда самарадорликка эришиш мумкин эдими? Бу аҳволда минбарга чиқиб «бу йил боплаймиз», дея жар солиш ҳақиқатдан кўз юмиш эмасми-ди?

Келинг, Самарқанд области пахтачилиги тақдирига чуқурроқ назар солайлик. Ўн биринчи беш йиллик плани 94 процентда қолиб кетди. 1986 йилда планнинг 75,6 процентигина уддаланди. Ўтган йилги аҳвол эса ҳаммага маълум. Ҳосилдорлик ҳам бу йиллари 24—25 центнердан ошмади. Оқибатда область экономикаси ўтириб қолди. Хўжаликларнинг қарзлари кўпайиб кетди. Ўмуман пахтакор хўжаликлар юз миллион сўмлаб қарз остида қолдилар.

Нега бундай бўлди? Энг биринчи сабаб кадрларни танлашдаги жиддий хатолар билан боғлиқ. Қайта қуриш бошлангандан кейин ҳам бу қусур давом этди. Иштихон, Пахтачи, Пайариқ ва бошқа районларда пахтачиликдаги вазиятнинг кескинлашувига район раҳбарлари сабабчи бўлдилар. Айни пайтда ана шу хатоликларнинг бош сабабчилари ҳозир области катта лавозимларни эгаллаб турибдилар.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1987 йил 12 май сонида «Тилла соат кимга берилди?» сарлавҳали танқидий мақола босилганди. Унда Пайариқ районидаги Крупская номли колхоз правлениеси раиси Раҳмат Бойзоқов беш йил давомида колхозни ғоят ташвишли аҳволга туширгани ва ревизия натижаси билан ишидан кетиши зарурлиги қайд қилингани ёзилганди. Аммо унинг ҳомийлари ишдан кетган Р. Бойзоқовни бу йил яна шу колхоз правлениеси раислигига тавсия этишди. Хўжаликнинг бир неча миллион сўм пулини бўлар-бўлмасга харажат қилиб юборган, машина теримини 14 процентдан оширмай келган, таннархни ҳамма соҳа бўйича қимматлаштирган киши бугун яна қандай каромат кўрсатиши мумкин? Бундай кадрлар пахта тақдирини ҳал эта оладиларми?

Область агросаноат комитети қоғозбозлик идорасига айланди. Бу ердаги ўнлаб мутахассислар статистика бошқармаси ходими вазифасини бажаришга кўникишган. Комитет раиси Муртазо Холбўтаев неча йиллардан бери областда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилади, ўз хатоларини ҳар пленумда, актив йиғилишларида тан олади. Лекин кўзга кўринарли бирор иш қилмайди. Областда фаолиятлари принципиал баҳоланмаётган бундай раҳбарлар оз эмас. Қизиқ, улардан яна нима кутишмоқда экан?

Умуман дастлабки хулоса шуки, областда тармоқ бўйича шуғулланадиган ташкилотларда эскича фикрлайдиган, янгиликни сезмайдиган, раҳбарларга бошқа-ю, лаққа бошқа тилда сўзлайдиган кадрлар кўп. Бу муаммо ҳал этилмас экан, соҳада ўзгариш ясаш мушкул.

Кейинги вақтда вилт касали ҳақида гапирмай қўйдик. ВАСХНИЛ мухбир аъзоси С. Алимуҳамедов бошчилигида бир гуруҳ олимлар, мутахассислар имзо чеккан справкада қайд этилишича, 1986 йилда Самарқандда вилтдан зararланиш туфайли 25 минг тонна пахта йўқотилди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич янада ошди. Бу эса пахтачиликка 15—16 миллион сўм зарар келтирди, деган гапдир.

Шунингдек, областда пахтачиликни чекинишга олиб келган сабаблардан яна бири — қарийб 60 процент майдон керакли ҳароратни ололмаётганида. Республика гидрометеорология бошқармаси маълумотига қараганда, кейинги йилларда областда ишлов даврида ҳарорат 2219 даражадан ошмади. Норма эса 2400—2500 даража. 20 йил давомида ана шу ҳақда айтилмоқда. Лекин ғўзанинг шундай ҳароратда яхши ҳосил берадиган нави ҳалигача яратилмаган.

Оқдарё, Жомбой, Пайариқ районларида ер қашшоқлашиб қолди. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи йиғилишида шундай жойларда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга кўмаклашадиган чоралар кўриш кераклиги уқтирилди. Дарҳақиқат, шу районларда сабзавотчилик билан шуғулланаётган деҳқонлар ҳар гектар ердан 5—6 минг сўм даромад кўрмоқдалар. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан — 2000 йилга бориб область аҳолиси уч миллион кишига етади. Уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирмоқ учун ҳозиргидан 85 минг гектар кўп майдонда сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш керак бўлади. Шундай экан, районларни, хўжаликларни, қолаверса, деҳқонни қарзга боғирмай шу масалани ҳал қилиш вақти етмадимикан?

Самарқандда ернинг тақдири жуда ночор бўлиб қолган. Унга бўлган бешафқатларча муносабат бугун ўз «самараси»ни бермоқда. Ер ҳам жазоламоқда. Бугун қарийб 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланишга муҳтож. Шундан тенг ярмини капитал планировка қилиш зарур. 9 минг гектарда дренажлар қайта қурилиши ёки реконструкция этилиши лозим. Шу ишларга капитал маблағ ажратилганди. Аммо янги ер ўзлаштириш мақсадида уларнинг бари сочиб юборилди. Айбдорлар эса гўёки йўқдай.

Қайси бир хўжаликка борманг, деҳқон меҳнати етарли қадрланмаётганини кўрасиз. Бу энг аввал пахта нави билан боғлиқ машмашаларда кўринади. Янгиқўрғон пахта заводи бир неча хорижий мамлакатларга тола реализация қилмоқда. Унинг ҳисобида каттагина маблағ бор. Иккинчи сортга қабул қилинган пахтадан ҳам пландагидан ортиқ тола чиқяпти. Пахта заводи бойимоқда. Лекин деҳқон меҳнати «йиғлаб» қоляпти. Назорат йўқ.

— Икки йилдирки, областда студентлар, шаҳарликлар пахта йиғим-теримига жалб этилмаяпти, — дейди Жомбой районидаги «Жомбой» совхози директори Нурилла Исмоилов. — Аммо уларсиз 1986 йилда ҳосилимиз далада қолди, план бажарилмади. Ўтган йили эса машина теримига куч бердик. Асосий хирмон бункерлардан тўкилди. Бу йил ҳам шундай қиляпмиз...

Бу, яхши, албатта. Лекин областда ҳамма жойда машина теримига эътибор бериляптими? Афсуски, йўқ. Устига-устак, қўл терими ҳам асосан хотин-қизлар зиммасида. Эркаклар енгил-елпи юмушларнинг этагидан тутиб олишган.

Шу кунларда ўртага ташлаш керак бўлган яна бир муаммо: яқинда область газеталари уруғлик пахта плани тўлгани ҳақида ёзишди. Пастдарғомлик деҳқон эса куюниб уруғ сифати ёмонлашиб кетганини қайд этди «Москва» колхозида унинг даласини айландик. Ёввойилашиб кетган ғўзаларни кўрдик, бир-биридан фарқ қиладиган ғўзаларни кўрсатишди. Ҳа, уруғ сифати ҳақида кўп гапирилмоқда. Аммо узил-кесил чора кўрилмаяпти. Қолаверса, навларни районлаштиришда ҳам жиддий хатолар мавжуд.

Жамиятда, ҳаётимизда қайта қуриш бошланганига анча бўлди. Область пахтачилигида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Аммо тубдан қайта қуриш бўлганича йўқ. Бунинг учун мавжуд муаммоларни ҳал этиш керак. Шундагина область ўпирилишдан чиқиши мумкин.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАН ИСЛОҲОТ ШАРОИТИДА

25 октябрь куни Ўзбекистон пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иккинчи халқаро семинари иш бошлади. Социалистик мамлакатлар илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини хўжалик ҳисобига ўтказиш мавзуига бағишланган бу анжуманни СССР Фан ва техника давлат комитети, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг секретариати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика институти ташкил этди.

Семинарни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов очди. У республикада тўпланган илмий потенциалдан қандай фойдаланилаётганини гапириб берди. Ўзбекистондаги 180 тадан кўпроқ илмий ташкилотда юз мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида академия фанига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозир у элликта йирик илмий-техникавий йўналишда, шу жумладан физика, математика, жараёнларни бошқариш механикаси, химия-технология ва биология фани соҳаларида фундаментал тадқиқотларни бажармоқда. Академияда фойдали қазилмаларни қидириб топиш, бинокорлик материалларининг зилзилага бардошлиги, генетика ва ғўза селекциясига доир бир неча илмий мактаб вужудга келди ва самарали ишлаб турибди. Шу сабабли илмий муассасаларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш бундан буёнги ишланмалар учун янги омил бахш этиши керак. Семинар доирасида кенг миқёсда ўтказиладиган фикрлашувлар ва мунозаралар ҳам шунга кўмаклашади.

— Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида экономиканинг тубдан қайта қурилаётганлиги, — деди ташкилот комитети раисининг ўринбосари, СССР Фан ва техника давлат комитети хўжалик механизмини такомиллаштириш бўлимининг бошлиғи Б. Д. Моторигин ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда, — илм соҳасида ҳам туб ўзгаришларни талаб қилди. Қардош мамлакатларнинг илмий тадқиқот ташкилотлари бултурдан янгича шароитда ишлашга ўта бошлаган эди. ГДР, Болгария, Чехословакияда яхши натижаларга эришилди. Бу мамлакатларда бажарилаётган лойиҳа-конструкторлик ва тадқиқот ишлари ҳажми анча ошди, Жорий этилган илмий ютуқлар миқдори анча кўпайди. Бизнинг мамлакатимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги пайтда 1200 тадан кўпроқ тармоқ институти ва конструкторлик бюроси хўжалик ҳисоби принципларидан фойдаланмоқда. Айни вақтда тармоқ фанининг структураси ҳам қайтадан тузилмоқда. Чунончи, СССР Кўмир саноати министрлигида асосий институтлар миқдори икки ҳисса қисқартирилди, самарасиз ишлаб, зарар кўраётган илмий ташкилотлар тарқатиб юборилмоқда. Айни бир вақтда академия фани билан олий мактаб фани хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтказилмоқда.

Илм-фанни ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш чоғида янги жиддий муаммолар пайдо бўлди. Гап илмий маҳсулотнинг нархини белгилаш масалалари, институтларнинг ва лойиҳа-конструкторлик бюроларининг фаолият натижаларига, олаётган фойдасига ёки фан-техника ютуқларига қараб баҳо бериш, турли ресурслар танқислиги шароитида тадқиқотларнинг устун йўналишларини тўғри танлаб олиш ҳақида бормоқда.

Семинардан кузатилган мақсад ҳар бир илмий коллективнинг фаолиятини оператив иқтисодий таҳлил этишнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар учун умумий методикасини ишлаб чиқишдан иборат. Умуман институтлар фаолиятигина эмас, улар бажарган тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий-техникавий савияси ҳам таҳлил этиладиган бўлиши керак. Бундай методика исталган пайтда илмий ташкилотлардан қай бири пешқадамлик қилаётганлиги ёки орқада қолаётганлигини, кимга дарҳол ёрдам бериш зарурлигини аниқлашга кўмаклашади.

Беш кун давом этадиган семинар қатнашчилари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника потенциалининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини ҳам муҳокама қиладилар ҳамда илмий ғояларни рўёбга чиқаришни жадаллаштиришнинг ягона концепциясини ишлаб чиқадилар.

(ЎзТАГ).



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Сейсмология институти лаборатория мудири Абдумубдн Султонхўжаев катта илмий-педагогик ва пропагандистлик ишларини олиб бормоқда. Яқинда у Япония ассоциациясининг фахрий аъзолигига сайланди.

Суратда: профессор А. Султонхўжаев ва институт илмий ходими, геология-минералогия фанлари кандидати Т. Исамуҳамедова иш устида.

Г. ПУН фотоси.

(ЎзТАГ).

Кекса ғазалхонлар илҳоми

ИНСОН ГЎЗАЛ

Кўзимнинг нури доим бир ажиб меҳри гиё узра,
Ажиб меҳри гиё ўзи турар ҳар-бир гиёҳ узра.

Гиёҳлар туғилур албат, бўлиб бир манбаи сарват,
Қилур деҳқон басе меҳнат шу ҳоки кимё узра.

Гиёҳ бошин кўтариб, оламу-одам нигоҳида,
Кўзин очиб, кўрар ўзин бисоти тўтиё узра.

Бориб бошин силаб, ён-верини оҳиста сийпайман,
Дегайман — Марҳабо, эй нозанин, тинч дунё узра!

Менинг шул олқишимдан севиниб, етгай балоғатга,
Ниҳоли серҳосил бу замони бериё узра.

Уни вояга етказган қўли гул ажаб инсон,
Етилган ҳосили устун давон мўмиё узра.

Муқаддас Она-еримда эрур инсон гўзалпарвар,
Ҳузур бўлгайму одамсиз, гиёҳсиз зимзиё узра.

ВИЖДОНИМ

Ҳақиқий одамийликка ўзимда бор имоним,
Ул имон ила бўлмоққа қўлимда бор имконим.

Агар имконни илгим бўш тутса амр этгайман,
Илиқ қонимни қиздиргай ақл-идрок, виждоним.

Ўзим шу мулк шаҳаншоҳи, ақл-идрок вазиримдур,
Ватаннинг тинчлиги чун эрур виждон ҳукмроним.

Ажаб, ҳаддидан ошган ҳукмронга раҳм этибдур жон,
Ҳароратга қўйиб, қийнар шу жонимни қизиқ қоним.

Танимда қанча узвим бор, садоқат бирла иш кўрсин,
Агар зарра хиёнат чиқса куйдиргай исёним.

Ҳузурим зарра кам бўлса, шу виждон нусқидан билгум
Сабаб, виждону-имон поклигидандур шараф-шоним.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

ЭЙ, ВАТАН

Эй Ватан, бағрингда ўсдим сен гулистоним менинг,
Қошу кўзимдан яқиндирсан ширин жоним менинг.

Чун сенинг зар тупроғингдан олтину тар мевалар
Ҳар гиёнг дорию дармон танда дармоним менинг.

Меҳнату роҳат ила боғинг жамоли сочди нур
Шул сабабдир чароғон йўлим, ҳар оним менинг.

Гул диёрим мен чаманзоринг кўриб кетди ғамим,
Таърифинг машҳур жаҳонга шуҳратим шоним менинг.

Олмаю-анжир анор узумларинг шарбат эрур,
Расулинг дер пахтакорим, уста боғбоним менинг.

Султон РАСУЛИЙ.

ҲАЛОЛЛИК ҚЎШИҒИ

Ҳалоллик чўққиси юксак, шунчаки сўз битиб бўлмас,
Унга нопок дилинг бирлан етолмайсан, етиб бўлмас.

Яшар покликнинг рамзидек, ўшал чўққида бир оқу,
Атом ядролари бирлан, уни ҳеч ҳуркитиб бўлмас.

Ёмон ният билан, асло қурол ўқталма, эй нодон,
Элингнинг паъватин олма, унга бир ўқ отиб бўлмас.

Ҳалолликни, бу оламда, бирон куч йўқ этолмайдур,
Қуёш янглиғ, нурафшон у, булут-ла беркитиб бўлмас.

Ҳалоллик қасрига чиқсанг, ҳалоллик бирла йўл топгин,
Йўлида ҳадсиз довонлар, ...машаққатсиз ўтиб бўлмас.

Ҳалоллик — покиза виждондур, ёшликда сақлагил тоза,
Бу бир бахт, сақлайолганни, бахтидан ажратиб бўлмас.

Келинчакдек гўзалдур, бу ҳаёт, боқсанг ҳалол кўз-ла,
Деҳқоний, ушбу лаззатдан, кўзни юмиб кетиб бўлмас.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА НОЯБРЬ ОЙИДА КЎРСАТИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 XI да — БОРИС ГОДУНОВ.
2 XI да — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
3 XI да — ИОЛАНТА.
4 XI да — КОРСАР, кичик эксперименталь саҳнада — ОНА ҚАЛБИ (17.00)
5 XI да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
6 XI да — ХИВА ОРДЕНИ.
9 XI да — ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ.
10 XI да — ФАУСТ.
11 XI да — СПАРТАК, кичик эксперименталь саҳнада — ТЕЛЕФОН; ОДАМ ТОВУШИ (17.00).
12 XI да — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
13 XI да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00), БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ (19.00)
15 XI да — ЧИО-ЧИО-САН.
16 XI да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
17 XI да — ЗЕБУННИСО.
18 XI да — РАЙМОНДА.
19 XI да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
20 XI да — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), ОПЕРА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ. АИДА (19.00).
22 XI да — ДОН КАРЛОС.
24 XI да — РИГОЛЕТТО.
25 XI да — Тошкент давлат консерваторияси қошидаги опера студиясининг спектакли. ТРАВИАТА.
26 XI да — ОТЕЛЛО.
27 XIда — Оққуш кўли (12.00), ОПЕРА ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ (19.00).
29 XI да — Тошкент давлат консерваторияси қошидаги опера студиясининг спектакли. СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.

Билетлар театрнинг кассасида соат 10. 00 дан 20.30 гача сотилади.
Дам олиш куни — душанба.
Справкалар учун телефон: 33-90-81.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 ОКТЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

М. ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ
ТУРОБ ТЎЛА
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати
АБДУЛЛА ОРИПОВ
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати
ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА
В. В. Маяковский мукофоти лауреати УСМОН АЗИМОВ.
Ансамблнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Р. К. ШАРИПОВА.

Билетлар сотилмоқда.
Концертдан тушган маблағ В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг Тошкент область бўлимига ўтказилади.

КОНСУЛЬТАЦИЯ, КАРДИОГРАММА ВА ЭЛЕКТР МУОЛАЖАСИ — УЙДА ОЛИНАДИ

1988 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ, 44-62-15 ТЕЛЕФОНИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Республика пуллик консультация поликлиникаси мутахассисларидан медицина ёрдамини уйда олишингиз мумкин. Булар қуйидагилардан иборат: консультация, электр кардиография текшириши, врач кўрсатмасига биноан ўтказиладиган физиотерапия муолажалари (электр билан даволаш, инъекциялар, массаж).

Поликлиника адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй. Поликлиника беморларни кўриш учун шошилинч чақириқларни қабул қилмайди. Иш соатлари танаффуссиз соат 9 дан 20 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Транспорт: 1, 4, 10, 18-троллейбуслар; 7, 8, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ўрда» бекати (Аҳроф бўйи)

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Республика пуллик консультация поликлиникаси.
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги

Ташвишли сигнал

БЕҒАМЛИК ОҚИБАТИ

Навоий цемент заводи ёрдамчи хўжалиги кутилган натижани бермади. Қизилқум қуёши ва Зарафшон ери саховати ваъда қилинган эди, бунинг ўрнига ҳар бир ишловчи ҳисобига 600 граммдан гўшт етиштирилди. Ёрдамчи хўжаликка сарфланган кўпгина пул шамолга совурилди.

— Нима ҳам қилардик. Фақат биздаги ёрдамчи хўжалик зарар келтираётгани йўқ, — деб корхона раҳбарлари ўзларини оқламоқчи бўлаётирлар. Аграр цех келтирган зарар уларнинг хўжасизлиги оқибати эканлигини тан олишга дадиллик етишмаяпти. Ёрдамчи хўжаликка доимий эътибор бериши лозим бўлган маъмурият ҳам, касаба союз комитети ҳам, халқ контроли ҳам бу ишда беғамлик қилди.

Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади, деган нақл бор. Цемент заводи раҳбарлари эса ёрдамчи хўжаликни ўткинчилар ва олғирлар қўлига топшириб қўйишган эди. Улар сабзавотни тарозида тортмай, машиналарга ортишди. Бу маҳсулот учун ҳужжат тўлдирилмади, тўлдирилгани ҳам рўйхатдан ўтказилмади ва номери ёзилмади. Оқибатда коллектив 27 минг сўмлик сабзавот қаерга кетганини билолмай қолди.

Ишчилар ёрдамчи хўжаликдаги ходимларнинг бундай сурбетлигидан ғазабланмоқдалар. Аммо маъмурият уларни ими-жимида бўшатиб юборди. Шаҳар халқ контроли комитети ўтказган биринчи текширишдаёқ икки минг сўмдан кўпроқ камомад аниқланди.

Ёрдамчи хўжаликда ишлаш учун бошқа ходимлар олинди. Хўжаликнинг янги мудири икки минг сўмлик эмас, балки 30 минг сўмлик моддий бойликлар етишмаслигини айтди. Улар қаёққа кетди? Ана шу ва бошқа саволларга энди милиция жавоб изламоқда.

Цемент заводи раҳбарлари беғамликнинг аччиқ меваларини тотмоқдалар. Аграр цех тузилган экан, унга доимий эътибор берилсагина ачинарли сабоқдан хулоса чиқариб олинади. Ҳолбуки, бу ёрдамчи цех эмас, у шундай бир цехки, меҳнаткашларнинг кайфияти кўп жиҳатдан унинг қандай ишлашига боғлиқдир.

С. РУХМАЛЕВ,
(ЎзТАГ мухбири).

• Шахмат чорраҳаларида

АЖИБ ДОНА СУРИШЛАР

Октябрь ойнинг иккинчи ярмида Сеулда ўтган Олимпиада ўйинлари қонуний суратда бошқа барча спорт воқеаларини газета саҳифаларидан сиқиб чиқарди... Мана тўртинчи ҳафтадирки матбуот, радио ва телевидение спорт хабарларини шахматдан бошламоқда. Чамаси бу ҳам қонуний бир ҳолдир!

...Бир учи кўрингандай

Шахмат оламининг маликалик курсисини грузин қизлари банд этганликларига чорак асрдан ҳам ошибди. 16 йил мобайнида Нона Гаприндашвили бу олам фармондорлигига беш карра сазовор бўлган бўлса, унинг ўрнини эгаллаган ёш дугонаси Майя Чибурданидзе бу мартабага 10 йилдаёқ эришиши...

Келинг, бу ёғини ҳозирча айтмай турайлик. Бунга баъзи воқеалар монелик қиляпти.

1893 йили Петербургда ўтказилган Тарраш — Чигорин матчининг 17-учрашувидан сўнг немис гроссмейстери 3 очко олдинда борар, бақс тақдири ҳал бўлгандек эди. Аммо матонатли рус шахматчиси устма-уст уч бор ғалаба қозониб мағлубиятдан қутулиб қолганди. Худди шунга ўхшаш воқеа Каспаров — Карпов реванш матчида (Ленинград, 1986) ҳам рўй бергани мухлисларнинг ёдида бўлса керак.

Ҳозир поёнига етай деб қолган Чибурданидзе — Иоселиани матчи нафақат жаҳон биринчилиги учун ўтаётган кураш, балки бу ёшлик, гўзаллик, ҳаёт мадҳиясидир. Ҳа, бу кўтаринкилик, улуғворлик, заковат, спорт жасорати тантанасидир.

Авваллари мутахассислар аёл шахматчилар ўйнаган партияларнинг дебют қисмига унчалик эътибор бермасдилар: қизиғи йўқдек саналарди. Энди эса баъзи назарий янгиликлар борасида улардан нусха кўтармоқдалар.

Кахетия маркази Телави шаҳрида ўтаётган бу баҳснинг дастлабки тўрт учрашуви 2:2 ҳисобида тугади: томонлар биттадан ютиб, икки ўйинни дуранг қилишди. Дарвоқе, жаҳон чемпиони иккинчи партияда ғалаба қозониши учун нақ 98 юриш керак бўлди. Бунинг учун салкам 12 соат (уч-тўрт кунлик машаққатли таҳлиллардан ташқари) жанг қилишга тўғри келди.

Еттинчи партиядан сўнг жаҳон чемпиони бир очко, ўн биринчи учрашувни ютиб, кейингисида дурангга кўнгач, икки очко ўтиб ҳисобни ўз фойдасига 7:5 га чиқариб олди. Энди низомда белгиланган 16 партиянинг қолган 4 тасида Майяга атиги бир очко керак бўлса, Нонага 3,5 очко зарур. Ғалабанинг бир учи кўрингандай...

Шитоб айлаб

Шахматдан жаҳон кубоги биринчи марта ўтказилиши. ФИДЕ рейтинг варақасининг энг юқорисидан жой олган 25 нафар забардаст гроссмейстер кубок учун курашиш ҳуқуқини олди. Мусобақалар олти босқичда ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳар бир гроссмейстер шундан тўрттасида қатнаша олади. Эслатиб ўтайлик, Брюсселда ўтказилган дастлабки турнирда А. Карпов ғалаба қилган бўлса, Белфор (Франция)даги иккинчи босқичда Г. Каспаров биринчиликни олди, Карпов иккинчи бўлди.

Учинчи босқич Исландия (жами 300 мингга яқин аҳолиси бор бу оролда олти нафар гроссмейстер бўлиб, боз устига уларнинг биттаси Хьяртарсон ҳозир 8 та тож талабгорлари сафида эканлиги диққатни тортади!) пойтахти Рейкьявикда ўтмоқда. Мусобақанинг биринчи ярмидан кейин ҳам жаҳон чемпиони турнир жадвалининг ўрталарида бораради. Бу кураш нечоғли мураккаб тус олганидан нишона, вассалом. Кейин Г. Каспаров суръат отига шундай қамчи босдики, 15-турдан сўнг пешқадамга етиб олди. У ва львовлик гроссмейстер Александр Белявский 9,5 тадан очко билан илғор бўлиб туришар, лекин уларни бир гуруҳ иштирокчилар таъқиб қилиб келар, турнир тугашига эса атиги икки тур қолганди.

Охиргидан олдинги тур ҳам пешқадамлар сафида ўзгариш ясамади: жаҳон чемпиони Г. Каспаров қора доналар билан таллинлик ёш халқаро гроссмейстер Яан Эльвест, мамлакат экс-чемпиони Александр Белявский эса оқ доналар билан англиялик халқаро гроссмейстер Жон Нанн устидан ғалаба қозонди. Жаҳон экс-чемпиони Михаил Таль венгриялик халқаро гроссмейстер Дьюла Сакс билан дуранг қилди. Шундай қилиб, якунловчи 17-учрашув олдидан Г. Каспаров билан А. Белявский 16 имкониятдан 10,5 тадан, М. Таль 9,5 очкога эга эди. Ҳал қилувчи учрашувлардан сўнг Г. Каспаров 11 очко билан ғалаба қозонди.

Бир гап бор

Олмаотада ўтаётган мамлакат аёллар чемпионати ҳам марра чизиғига яқинлашиб қолди. Новосибирсклик ёш шахматчи Юлия Дёмина дастлабки ўйинни дуранг қилиб, сўнгра қаторасига беш учрашувда қўли баланд келгани бежиз эмас экан. 11-турда у халқаро гроссмейстер Нана Александрияни енгиб, очколари сонини 9 тага етказди ва халқаро мастерлик талабларини ўринлаб қўйди. Мусобақа якунланишига ҳали яна олти учрашув қолгани назарда тутилса, бу қизда бир гап борлигига бемалол ишонса бўлади. Шу пайтда у энг яқин рақобатчи — халқаро гроссмейстер Нино Гуриелидан нақ 2 очко ўзиб кетган эди.



Бу вазият Ю. Демина — Н. Александрия партиясида, қораларнинг 23-юришидан кейин юзага келган эди. Шу ерда оқлар рухини қурбон қилди ва 38-юришда ғолиб чиқди. Қоралар рухни олмади, олган тақдирда тезда мот бўларди. Мустақил кўриб чиқинг. Энг чиройли комбинация учун таъсис этилган соврин шу партияга берилса ажаб эмас. Чемпионат бир вақтнинг ўзида навбатдаги жаҳон биринчилиги.

Қўш чемпион

Куни кеча Москвада СССР шахмат федерациясининг ҳисобот-сайлов пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР космонавтучувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, техника фанлари доктори Виталий Иванович Севастьяновни бир овоздан яна СССР Шахмат федерациясининг раиси этиб сайлади. У 1977—1986 йилларда шу лавозимда катта фаолият кўрсатган эди. Шу куни СССР физкультура ва спорт давлат комитети охирги мамлакат биринчилигида 1—2 ўринларни ўзаро баҳам кўрган Г. Каспаров билан А. Карповнинг иккаласига СССР чемпиони унвонини беришга қарор қилганлиги эълон қилинди. Энг мақбул қарор! Ахир ҳозирча тенги йўқ икки шахматчимиз кўп ўтмай Грециядa бошланадиган навбатдаги жаҳон олимпиадасида ёнма-ён ўтириб, Ватанимиз спорт шанини улуғлашлари керак-ку. Уларни бирбирига ҳадеб рўпара қилавериш ҳожат йўқ.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ФУТБОЛ

ТЎРТ ДАЪВОГАР

Биринчи лига коллективлари мавсумнинг якунловчи ўйинларини ўтказишмоқда. Команда лар яна учтадан ўйиндан кейин маррага етадилар. Бўлиб ўтган навбатдаги учрашувларда эса чемпионат пешқадами «Помир» футболчилари яна бир ғалаба билан олий лигага бериладиган йўлланмадан бирини деярли нақд қилиб қўйишди. Назарий жиҳатдан қараганда помирчиларга яна бир очко керак бўлар. Амалда эса, манзара бошқача тус олиши ҳеч гап эмас. Демак, қолган ўйинлар натижаси душанбалик футболчиларга даҳли йўқ деса бўлаверади. Иккинчи йўлланмага эса тўрт команда астойдил даъвогарлик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб турган ЦСКА ва «Ротор» коллективлари сафарда «Заря» ҳамда «Металлург» футболчилари билан дуранг ўйнаб, очколарини 51 тадан қилиб олишди. «Гурия» командаси ҳам бўш келмади. Бу коллектив «Геолог» футболчиларини қабул қилиб (3:0), очколарини 51 тага етказди. Пахтакорчилар эса навбатдаги ғалабадан кейин 50 очко билан бешинчи бўлиб туришибди. Афтидан футболчиларимизнинг ўнгланиб олиши «Ротор» майдонида бўладиган учрашув натижасига боғлиқ ўхшайди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

29 октябрь соат 19.00 да «ПАХТАКОР (Тошкент)— СССР ТЕРМА КОМАНДАСИ

ВЕТЕРАНЛАРИ ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БУЙИЧА ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Спорт-буюм лотереяси ўйналади.

Серияларнинг номерлари — 050001 дан 052000 гача.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/X да Аида, 28/X да Корсар, 29/X да Кармен.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/X да Асрга татигулик кун, 28/X да Истамбул фожиаси, 29/X да Нажот истаб.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/X да Сўнмас аланга, 28/X да Аршин мол-олон, 29/X да Муаффар қуёш фарзанди (15.00), Ҳийлаи шаръий (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/X да Сўнаётган юлдузлар (19.00), 28/X да Қора камар, 29/X да Майсаранинг иши (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг хайрлашув гастроллари (27, 28 /X да 19.30 да; 29/X да 16, 19.00 да; 30/X да 12, 15, 18.00 да).

Бутуниттифоқ матбуот кооперацияси илмий текшириш институтининг Ўзбекистон филиали коллективи Қашқадарё область лабораториясининг мудири Б. Қ. Қаноатова онаси

Оғир
ҚАНОАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• Тингланг, томоша қилинг

27 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мультфильм. 9.15 — Футбол. Европа кубоклари. 10.55 — Янгиликлар. 11.05 — Ҳужжатли фильм. 11.25 — Челябинск филармониясининг фортепьяно триоси чалади. 12.00 — «Синовчи». Бадиий фильм. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 16.20 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.10 — Музикали хазина. 17.45 — Иқтисодий билимлар асослари. 18.15 —Кельн — Волгоград телекўприги. 19.35 — Дунё воқеалари. 19.50 — Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Рода» (Голландия) — «Металлист» (Харьков). 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Қандай гўзал бу олам. 23.45 — Катталар учун мультфильмлар. 00.05 — Дунё воқеалари. 00.20 — Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Телефильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар». 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Лучафарул». Бадиий фильм, 1-серия .14.25 — Ҳужжатли фильм. 14.50 — Янгиликлар. 15.00 — «Мардлик». Телефильм. 3-серия. 16.05 — А. Данилов чалади. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — «Саёҳатчилар клуби». 20.25 — Реклама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Халқ қуйлари. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — «Лучафарул». Бадиий фильм, 2-серия. 23.55 — Янгиликлар. 24.00 — «Лев Толстой ҳақида сўз». 4-фильм.

УзТВ-I. 15.00 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — География. 17.15 — Манзарали фильм. 17.25 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.55 — Янгиликлар. 18.05 — Объективда— қайта қуриш. 18.50 — Янгича снёсий фикрлашнинг иқтисодий аспектлари. 19.20 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 —«Гулёр» фольклор-этнографик ансамбли ижро этади. 21.25 — Кинолавҳа. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Маорифимиз муаммолари. 22.55 — Бўстон.

УзТВ-II. 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.20 — Реклама. 20.30 — Ишончли мулоқот. Душанба. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Метрода учрашамиз. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Пахта йиғим-терими илғорлари учун концерт. 9.30 — Г. Отақулова куйлайди. 9.45— Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Сўнгги имкон. Повестдан парча. 13.00 — Малиш. 13.30 — Е. Долматовский шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.01 — Давр, воқеалар, кишилар. 15.30 — Композиторлар — болаларга. 18.15 — Ҳозирги босқичда ғоявий кураш. 18.30 — Ўзбек композиторларининг романслари. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — Ж. Раҳимов куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 11071. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 247. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12